O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Миллий Тиклани ш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 2000 йил, 25 январ | 2 (219)- сон

ҲАММАМИЗГА ЮКСАЛИШ ВА САОДАТ АСРИ МУБОРАК БЎЛСИН!

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ҚАСАМЁД КЕЛТИРДИ

ОЛИЙ МАЖЛИСИМИЗНИНГ 22 январда ўтган янги сессияси ҳеч қачон унутилмайдиган тарихий лаҳзаларга бой бўлди. Халқимизнинг тўла ишончига сазовор бўлган Ислом Каримов Президент қилиб сайлангач, Олий Мажлис анжуманида бутун Ўзбекистон билан юзма-юз туриб тантанали қасамёд қилди. Қасамёднинг сўзлари тақдирини ҳар жиҳатдан ўз қўли ва ўз иродасига олган халқнинг энг олий сўзлари, энг олий оъмол-орзуси, аҳди, иродаси бўлиб яна бир карра жаранглади ва юракларга нақшланди. Президентнинг ушбу тарихий, бетакрор дамларда айтаётган барча сўзлари мислсиз ҳаяжонлар ва ҳиссиётлар билан тўлиб-тошган эди. Назаримда кўклардан ҳам, меҳрибон Ер бағридан ҳам халқимиз мамлакатимиз учун умидларнинг олижаноб шоввалари ёғилиб келарди. Шундай туюладики, Ислом Каримовнинг алоҳида қимматга эга фикрларинигина эмас, шу тобда янграётган ҳар бир сўзи, ўртага ташлаётган ғоялари — **ҲА, БУ СЎЗЛАРНИНГ ҲАММАСИ ҒОЯ ХАРАКТЕРИГА ЭГА ЭДИ!** — ҳиссиётларининг ҳар бир зуҳуротини қайта-қайта мисол келтириш, улар ҳақида узоқ-узоқ мушоҳада, мулоҳазалар, муҳокамалар юргизиш мумкин. Сессиянинг шу куни, соатлари, дамлари барча нойиблар, Президент сўзларини тинглаган барча халқимиз фарзандларининг манглайи фикрдан ёришган кун, соат, дамлар бўлди десак муболаға туюлмас!

Президент озодлик, эркинлик, фаровонликни юракларимиздан ўтказишимиз керак, дер экан, бу сўзлар ахир қайси кўнгилдан ўрин олмайди, қайси кўнгилни ўзига мубтало қилмайди, қайси дилнинг энг муқаддас оъмолига айланмайди. Шу фикр асримизнинг фикри, бизни янги минг йилликка олиб кираётган ғоя эмасми! Ҳақиқатан ҳам, фаровонлик, эркинлик, озодлик аввало юрагимизнинг кенгликлари, чуқурликлари, юрагимизнинг барча очиқ ва яширин оламларида ҳукмрон бўлгандагина, юрагимизнинг зарбалари шу ғоялар билан уйғун, мутаносиб ургандагина фаровонлик, эркинлик, озодлик ҳаётимизда тўла маънода моддийлашади, тўла маънода биллурлашади, тўла маънода ҳоким кучга айланади. Халқ мени танлаб ўз тарихий карвонининг бошига етакчи қилиб қўйди, — дейди Ислом Каримов. — Мен карвонбоши бўлиб бораётиб, Худонинг ўзи йўлимизни очаётганлигини кўриб турибман...

Биз ҳаммамиз йўл очилаётганлигини кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Йўлларимиз тамомила беркилганлиги, йўлсизлик азоблари халқимизнинг нене фидокор, асл фарзандларини нақадар қийнаганлиги, мислсиз азоб-уқубатларга дучор қилганлигини ўтган тарихдан биламиз, англаймиз. Инсон бор экан, мамлакат бор экан, давлат бор экан, унинг аввало йўли бўлсин. Йўл кўрсатувчиси бўлсин. Оқил, фозил, адолатли, халқ ишига фидокор карвонбоши бўлсин! XX аср сўнггида Ўзбекистон шуларга эришди. Ҳақиқий карвонбоши билан бирга катта йўлларга сафланди.

Система бўлсин! — деб айтяпти бугун Президентимиз.

У давлатчиликнинг ўзига хос системасини вужудга келтирди. Бизнинг дунёга чиқаётган, ўз ўрнимизни эгаллаш учун интилаётган, ички ҳаётимизни энг муносиб, энг қулай нуқтаи назар билан шакллантираётган йўлларимиз — барчаси-барчаси ана шу Президент орзу қилаётган ва у бугун жуда катта урғу бераётган системага киради. Рост, ҳар қандай ҳолда ҳам, агар система бўлмаса, ҳаётнинг, ижтимоий турмушнинг мазмуни йўқ. Олижаноб, фикратга бўйсунган, фикратдан нурланган система бор экан, ҳаётда туз, маъно, мазмун бор.

Баъзан ортиқча камтарлик бизга ўзимизни, борлиғимиз, моҳиятимиз, асил қимматимизни англашга, тўсқинлик ҳам қилади. Камтарлик ожизликдан эмас, куч-қувват, заковатдан туғилса, унга нима етсин!

Президент нутқини тинглар эканмиз, бу дақиқаларнинг ўта ноёблигини, такрорланмаслигини англамаслик, сезмаслик мумкин эмас эди.

Бу нутқ, бу ёрқин қасамёд билан бирга бутун яхлит Ўзбекистон, унда истиқомат қилаётган халқлар, элатлар, бутун жамулжам ўзбек халқи ўз ҳаёти, **ЎЗ ТАРИХИНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИНИ ОЧДИ. ЯНГИ ДУНЁГА ҚАДАМ ҚЎЙДИ.**

Ҳақиқатан ҳам, учинчи минг йилликка Президент Ислом Каримов карвонбошилигида кириб бораётганимиз чуқур рамзий маънога эга.

***

Худонинг ўзи инсониятга тариҳингни бил, ярат ва уларни мингйилликлар, юзйилликларга ажратиб аниқла, деб йўл кўрсатган. Йўл берганидек, уларни мазмундор қилиш имкониятларини ҳам ато этган.

Биринчи минг йиллигимизнинг бошида Исо Руҳилло ва Муҳаммад Ҳабибулло алайҳиссаломлар турдилар. Мингйилликларни ўз файзу осорлари билан музайян ва муфарраҳ этдилар. Улар файзидан инсоният янги маърифат эгаси бўлди.

Иккинчи минг йилликнинг бешигида Ибн Синолар, Беруниийлар, Имом Бухорийлар улғайдилар. Уларнинг қудратли маърифатидан Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Мирзо Улуғбеклар иккинчи мингйиллигимизнинг файзини кўклар қадар кўтардилар.

Шуларни ўйлаганда, **учинчи мингйиллик умримизга ўзбек халқи ва Ўзбекистон Ислом Каримов етакчилигида кириб бораётгани ажиб бир рамзий маъно касб этади.**

Сессияда улуғларимиз ва ҳазрат Навоий руҳи ҳукмрон руҳ бўлди. Янги мингйилликка шу улуғ бобомизнинг ўлмас, олижаноб ғоялари, сўзлари, ҳиссиётлари билан кириб борамиз. Президентнинг сессияда Навоийни эслаши, унинг ғояларини ўрганиш ва янги мингйиллигимизга олиб кириш ҳақидаги таклиф истаги, бу фикрнинг сессия қатнашчилари томонидан қизғин ва илҳомёр қўллаб-қувватлангани ҳам ҳаётимиз, тақдиримиз, келажагимиз учун теран рамзий маънога эга.

Навоий бир ишқий ғазалида ўтни хошок билан ёпиб бўлмас дейди. **ЎТНИ ХОШОК БИЛАН ЁПИБ БЎЛМАС!**

Президентимизнинг ўтган йиллардаги фаолиятига бир назар ташлайлик.

У барча тажовузкор ва терроргa мойил кучларнинг хашакларини тамомила очиб ташлади! Дунёда огоҳ бўлиб яшаш ғоясига қайта куч берди. Янги замоннинг огоҳлик фалсафасини тиклади. Назаримизда сиёсий партиялар ана шу огоҳлик фалсафасининг энг кучли двигателлари бўлишлари ҳам қарз, ҳам фарз.

Президентимиз раҳбарлигида Ўзбекистон ҳукумати илк бор давлат чегараларини қатъий мустаҳкамлаш йўлини тутди. Мамлакатнинг мудофаа ва ҳарбий қобилиятини яроқли қилди.

Камбағалчилик қўрқинчли эмас. Йўқчилик қўрқинчли эмас. Камбағалчилик ва йўқчиликларни ақл, ирода, заковат билан енгиб ўтса бўлади. Фаровон халқларнинг ҳаёти бунга мисол бўла олади. Хўш, унда қўрқинчли нарса нима?

Назаримизда ғоясизлик қўрқинчли нарса. Ғоясизлик, йўлсизлик, системасизлик — қўрқинчли нарса.

Президент Ислом Каримов етакчилигида **ўзбек халқи ғояли халқ бўлди. Ғояли халқни эса енгиб бўлмайди. Қарамликка солиб бўлмайди.**

Ғояли бўлиш бу — онглар ва қалблар тарбиясида энг юксак натижаларга эришиш деганидир. Бугун шу нарса тўла равшан бўлдики, олдимизга қўяётган барча олижаноб мақсадлар ҳамда вазифалар, ислоҳотларимизнинг ҳар соҳадаги муваффақияти худди шу нарсага — онглар ва қалблар тарбиясига ҳар жиҳатдан боғлиқ. Янги маърифат ва мафкура сиёсатимиз Президентимиз айтмоқчи, сиёсий кучларнинг фаолияти, онглар ва қалблар тарбияси орқали амалга ошади. Биз бугун ҳар биримиз шу ғояларга муносиб бўлсак деймиз.

ҲАММАМИЗГА ЮКСАЛИШ ВА САОДАТ АСРИГА КИРИБ БОРАЁТГАНИМИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Иброҳим ҒАФУРОВ

МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЙЎЛИДА

Мунозара учун мавзу: Бу қандай мутахассис?..

Республикамиз мустақилликка эришиб, ривожланган кучли жамият қуришни бошлаган биринчи кунларданоқ ҳукуматимиз, Президентимиз Ислом Каримов томонидан таълим жараёни ва мутахассислар тайёрлаш тизимига катта аҳамият берилмоқда.

Ёш авлодга таълим-тарбия бериш ва баркамол авлод этиб тайёрлаш мақсадида охирги йилларда таълим тизимида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғриси»даги қонун, «Давлат таълим стандартлари» бўйича қонунлар эълон қилинди. Узлуксиз таълим тизими такомиллаштирилди. Ўқув жараёнида талабалар билимини тест синовлари орқали аниқлаш, рейтинг назорати воситасида уларнинг билимини баҳолаш каби усуллар таълим тизимига киритилди. Талабаларга чуқур таълим бериш мақсадида «Таянч иборалар», «Янги педагогик технология» сингари янги услубий йўналишлар жорий этилиб, ўқитиш мазмуни бойитилди. Буларнинг ҳаммасидан миллий таълимни жаҳон таълим тизими талабларига тенглаштириш мақсад қилиб қўйилди. Эндиликда миллий таълим тизими замон талабига мос ҳолда педагогик ҳамда психологик технология ютуқлари асосида бойиб бормоқда.

Бундан кузатилган асосий мақсад Ислом Каримов айтганидай, «Таълим тизимини ислоҳ қилиш вазифалари муваффақиятли ҳал этилса, ижтимоий-сиёсий иқлим кескин ўзгаради, одамлар онгида демократик қадриятлар қарор топади, инсон жамиятдаги ўрнини онгли равишда ўзи белгилайди».

Вақт ўтиши билан ҳар бир янгилик ўз мевасини бера бошлайди. Таълим тизимида ислоҳотлар бошланганига ҳам муайян фурсат ўтди. Таълимдаги ислоҳотлар қандай натижалар берди, қандай ютуқларга эришдик? Тизимни такомиллаштириш учун яна нималар қилишимиз зарур, деган саволлар ўз-ўзидан келиб чиқмоқда.

Давоми 2-бетда

ЁҚЛАШНИ ЁҚЛАБ...

Бундан ўн беш йилча аввал «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида адабий ходим бўлиб ишлардим. Таҳрир ҳайъати ташаббуси билан «Ўзбек танқидчилигининг долзарб муаммолари» мавзуида давра суҳбати ўтказиладиган бўлди. Иштирокчилар фикрларини кейинчалик ёзиб бериши келишиб олинган бўлсада, мулоқотнинг умумий руҳини белгилаш учун таҳририятда «давра столи», ҳам ташкил этилиб, кўзга кўринган мунаққидлар мунозарага киришиб кетишди. Масала кўп, улар орасида ғоят долзарб, жуда муҳимлари талай, фикрлар ҳам ҳар хил бўлганидан, баҳс қизиди. Қарийб ҳаммалари фан доктори, профессор, ундан ҳам юқори илмий даража ҳамда унвон соҳиблари бўлган, ҳамиша ўнлаб ва юзлаб адабиёт муҳибларини оғзига қаратган бу машҳур мунаққидлар вақт танглигидан бир-бирининг сўзини бўлиб, қизғин тортишишар, гоҳо суҳбатнинг мавзуи чалкашиб кетиш даражасига яқинлашиб қоларди. Аммо таажжуб: қачон Озод Шарафиддинов сўзга киришса, барча беихтиёр гапириб турган гапидан тўхтарди. Озод ака ўктам, сарбаст овоз билан фикрини жонли ва лўнда ифода этар, даврада шу руҳ хийла сақланиб турарди. Ҳолбуки, ўша стол теварагидаги алломалар орасида энг камтарин илмий даражалиси – фан номзоди ҳам Озод аканинг ўзи эди...

(Давоми 2-бетда)

Оддий ёғоч уста ижодкор қўлига тушса, мўъжизага айланади. Андижонлик ўймакор уста Йўлбарсхон Ўтаганов ана шундай мўъжизалар устаси.

СЕҲРЛИ МЕҲРИГИЁҲ

Афсона ва ҳақиқат

Туркистон замини, хусусан, Ўзбекистон ҳам турли-туман ўсимликларга бой ўлка. Булар орасида узоқ ўтмишдан доридармон воситаси сифатида ишлатилиб келинаётганлари ҳам талайгина. Шундай ўсимликлардан бири афсонавий меҳригиёҳдир. Бу ўсимликка бўлган қизиқиш ва эътибор Ўзбекистон ойнаи жаҳонида «Меҳригиёҳ» рукни билан берилаётган кўрсатувдан кейин яна ҳам ортиб кетди. Телевидение ходимлари бу хайрли кўрсатув орқали республикада ўсадиган ўсимликларнинг хилма-хиллиги, бу соҳа билан қизиқувчи шахслар ва айрим табиблар фаолияти ҳақида ҳам маълумот беришди. Шундай кўрсатувларнинг бирида бир аёл меҳригиёҳ илдизини кавлаб олиш усулини чизма тасвир орқали ифодалаб, уни кавлаш учун итдан фойдаланиш лозимлиги, акс ҳолда бунга бел боғлаган шахс ўлимга маҳкум бўлиши ҳақида гапирди. Кейинроқ эса ургутлик бир оқсоқол бу усулни бекор ҳисоблаб, халтасидаги меҳригиёҳ (агар аниқ бўлса) илдизи оддий усул билан кавлаб олинганлиги, ўсимлик илдизини кавлаб олиш ва қуритиш безарарлиги ҳақида изоҳ берди. Хуллас, ҳозирча меҳригиёҳ ва унинг табобатдаги сир-асрори турли мишмишларга сабаб бўлиб келмоқда.

Дарҳақиқат, меҳригиёҳ қанақа ўсимлик, унинг шакли-шамойили қандай, шифобахш хусусиятларининг сири нимада? Ҳатто ғазалларга кўчган бу ўсимлик каерларда ўсади? Хуллас, бу каби ажабтовур саволларнинг ниҳояси йўқдай...

Доривор ўсимликларнинг ноёб турлари ҳақида қадимдан қолган нақл бор. Эмишки, кўп хасталикларга даво бўладиган доривор гиёҳ табиатда ўта камёб бўлиб, фақат кечаси «ёниб» тураркан. Унинг ёнига кечаси қозиқ қоқишиб, атрофини ип (ёки тизимча) билан белгилаб, кейинчалик кузда пишиб етилгач, илдизи кавлаб олинаркан. Бу ривоят меҳригиёҳга ҳам тааллуқли бўлиб, афсона заминида ўта камёб шифобахш гиёҳларни табиатдан топиш ва улардан фойдаланиш каби муаммолар билан боғлиқ бўлса ажаб эмас.

Қадимдан меҳригиёҳ каби хосиятли доривор ўсимликлар турли афсоналар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг илдизини кавлаш ўлимга маҳкум этилган шахслар зиммасига юклатилганлиги, ёки унинг илдизини кавлаган одам шу заҳоти тил тортмай ўлиши мумкинлиги айтилади. Шу сабабдан бўлса керак, юнон олими Феофраст «Ўсимликлар ҳақида тадқиқотлар» номли китобида меҳригиёҳ илдизини кавлашдан аввал қуйидаги амални бажариш лозимлигини уқтиради: «қиличингизни ўсимлик атрофида уч бор айлантиринг, юзингизни кун ботиш тарафга қаратиб тик турган ҳолда ўсимликни шартта кесиб ташланг. Иккинчи тупини кесишдан аввал ўсимлик атрофида рақсга тушиб, афсун ўқинг».

Қадимги ёзма манбаларда ёзишларича, меҳригиёҳ илдизини кавлаш тубандагича тасвирланган экан. Ўсимлик атрофи эҳтиётлик билан кавлаб очиларканда, унинг илдизига тизимча боғланаркан, тизимчанинг иккинчи учи эса оч қолдирилган қора ит думига боғланаркан. Итни олдига етмайдиган масофага бир бўлак гўшт ташланаркан. Гўштни ейиш учун олға интилган ит ўсимлик илдизини суғуриб оларкан. Илдизи ердан суғурилаётган чоғда ўсимликдан қулоқни тешадиган даражада чинқириқ эшитиларкан. Ит ҳам шу чинқириқ таъсирида тил тортмай ўларкан... Бу ҳайратомуз афсона Узоқ шарқда — Хитой, Япония, Корея ва Амур дарёси ўзанларида ўсадиган женшен ўсимлиги номи билан боғлиқ. Илдизи шу ўсимлик илдизига ўхшаганлиги туфайли кейинчалик «Осиё женшени» деб ном олган меҳригиёҳ ҳам шу ривоят замирида машҳур бўлиб кетган бўлса эҳтимол.

Давоми 4-бетда

Икки фикр

ДИССЕРТАЦИЯ:

ЁЗИЛИШИ ВА ЁҚЛАНИШИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Кунлардан бирида марҳум дўстимиз, шоир ва олим Иқбол Назарийдан:

— Иқболжон, ҳамма сизни, гарчи ёқламаган бўлсангиз-да, кандидатгина эмас, фан доктори, профессордек ҳурмат қилишади. Лекин ростини айтингчи, нима учун бошқалар сингари диссертация ёзиб ҳимоя қилмайсиз? Аслида сизни таниганлар ижобий маънода «профессор» деб аташади-ку?..— деб сўраб қолишади. Шунда Иқбол Назарий уларга:

— «Кандидат», «доцент», «профессор» бўлиш яхшику-я, лекин ўша юксак унвону даражаларга том маънода муносиб ва лойиқ бўлиш ундан-да яхшироқдир. Мазкур даража ва унвонларга расман эга бўлиб, аслида илмда ҳеч қандай ўрни бўлмаган кишилар қанча... Мен шундайлар қаторида бўлишни хоҳламасдим, — деб сукутга чўмади-да: шеър ўқийди:

Дўстлар дер: «Айт, қачон ёқлайсан?
Ё биздан не ёрдам хоҳлайсан?
Қозониб устозлар ишончин —
Айт, нечун сен сукут сақлайсан?»

— Озгина илмимни, дўстларим,
Мақтаниб мен қандай ёқлайман?..
Билимим нисбийдир, фан учун
Мутлақ бир эътиқод сақлайман.

Мен гумроҳ эмасман, бор йўлим,
Кимгадир умидвор боқмайман.
Бор менинг эшкакли қайиғим,
Елканли кемада оқмайман.

Меҳрим зўр даража аҳлига,
Сохта шон аҳлига ёқмайман.
Далилсиз сўзласа қай устоз,
Хушомад гулини тақмайман.

Шеърият дарёдир, фан — денгиз,
Мен ирмоқ илҳомим йўқлайман.
Шогирдим дилидай нурли уфқ,
Мен ўша уфқни ёқлайман!

Шоир бироз ўйланиб олгач, шеърнинг сўнгги бандини лутф билан қуйидагича ўзгартириб ўқиган:

Шеърият дарёдир, фан денгиз,
Мен ирмоқ илҳомим йўқлайман.
Дўстлар, мен илмий иш ўрнида
Студент қалбини ёқлайман!

Дарвоқе, Иқбол Назарий (1937—1987)нинг турмуш-турмуши, ўй-хаёли, орзулари диссертация қолипига, умуман ҳеч қандай чекловчи қолипга сиғмас эди. Назаримда ҳақиқий истеъдодлар шундай бўладилар, улар ўз оламларида яшайдилар. Таассуфки, биз ҳали уларнинг оламидан келиб чиқиб муомала қилишган

Давоми 2-бетда

МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЙЎЛИДА

Давоми. Боши 1-бетда

Мана шу хусусда мунозара тарзида ўзимнинг айрим фикр-мулоҳазаларимни баён этмоқчиман.

1. Биз миллий таълим тизимини яратар эканмиз, шарқ педагогикасини, ота-боболаримиз таълим олган ўқиш ва ўқитиш усулларини мукаммал ўрганишимиз, уларнинг ижобий томонларидан миллий таълим дастуримиз амалиётида унумли фойдаланишимиз зарур деб ўйлайман.

Маълумки, буюк алломалару мутафаккирлар, тасаввуф илмининг чуқур билимдонларини етиштириб берган ўзбек заминида ўзига хос ўқитиш усуллари, таълим методлари мавжуд бўлган. Улар ёдлаш-такрорлаш усулидир.

Эски таълим тизимида ёдлаш-такрорлаш усули кенг ривожланган. Бола ёшлигидан Қуръони карим сураларини ёд ола бошлаган. Кейинчалик бутун Қуръонни бошидан охиригача ёддан билган. Ёдлаш-такрорлаш орқали араб алифбоси, абжад ҳисоби, араб тили грамматикасининг қонун-қоидаларини ўзлаштириб олганлар. Араб, форс тилларини ўрганишган, юзлаб мақол, маталлар, байт ва ғазалларни хотирада сақлашган. Болада ёшлигидан ёдлаш кўникмалари ҳосил бўлган, зеҳни ошиб, хотираси такомиллашиб, ёдлаш қобилияти ўсиб борган. Булар бола фаолиятида аввал механик равишда, кейинчалик такомиллаша бориб онгли равишда масалани идрок этувига олиб келган.

Алишер Навоий 25 минг байтни ёддан билганлар. Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асарини 12-13 ёшларидаёқ ёдлаб олганлиги манбаларда қайд этилган. Бахшиларда ҳам ёдлаш қобилияти ғоятда кучли бўлган. «Алпомиш», «Гўрўғли» каби йирик достонларни ёддан куйлаб юришлари уларнинг ҳофизалари ўта ўткирлигидан далолатдир.

Афсуски, ҳозирги ёшларимиз, ҳатто филология факултетининг талабалари ҳам мумтоз шоирларимизнинг ғазалларидан уч-тўрттасини ёд айтиб беришда қийналадилар. Бунинг сабаби нимада?

2. Эски мактаб ва мадрасаларда таълим билан бир вақтда одоб илми ҳам ўргатилган. Ўқиш ва савод чиқариш учун ажратилган материаллар асосан тарбиявий характерга эга бўлган. Ўқув материаллари насиҳат ва пандомуз мақол ва ҳикоялардан, шеър ва ҳадислардан ташкил топган. Дарслик сифатида ўша даврда ўқитиб келинган Ҳафтияк, Чоркитоб, Гулистон, Қобуснома ҳамда Сўфи Оллаёр ва Аҳмад Яссавий ҳикматлари одоб ва ахлоқ ғоялари билан суғорилган бўлиб, талабалар уларга риоя қилганлар. Натижада, ақли, одобли, иймонли, тарбияли ва ҳурматга лойиқ фарзандлар бўлиб ўсганлар. Булардан ташқари эски таълимда одобнома дарси киритилиб, одоб-ахлоқ нормалари ўргатилган. Фасоҳат илми ўқитилиб, унда нутқ маданиятидан таълим берилган. Шунинг учун бўлса керак, ўша даврда таълим ёшу қари онгига сингиб борган. Шарқона одоб, инсонпарварлик, каттаю кичикка ҳурмат, ҳалоллик, поклик фазилатлари улар маънавий ҳаётининг асосини ташкил этган.

Бугунги кунда ҳам анъанавий усуллардан фойдаланиб, таълим тизимида ёшларни шарқона миллий одоб руҳида тарбиялаш бўйича самарали тадбирлар олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

3. Ўшанда аждодларимиз, ота-боболаримиз диний ва дунёвий фанларни чуқур билишганлар. Бунинг боиси биринчидан, талабаларнинг илм олишга, ўқишга интилишлари ниҳоятда кучли бўлганидан, иккинчидан, ўқув даргоҳларида асосан зарурий фанлар ўқитилиб шу соҳа бўйича чуқур билим берилганлигидадир.

Назаримда, ҳозирги таълим тизимида ҳам айрим ўзгаришлар киритилиб, ихтисослик бўйича ўқитиладиган фанлар учун ажратилган соатлар миқдори кўпайтирилса. **Ихтисосликка алоқаси йўқ дарслар соатини камайтириш ёки бутунлай ўқув режасидан олиб ташлашни ўйлаб кўриш керак.** Шу йўсинда ихтисослик бўйича талабалар билимини ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан ошириш ва чуқурлаштириш имконияти туғилади. Агар филолог бўла туриб мумтоз шоирлар асарини ўқиб тушунмаса ёки шарқшунос деган дипломга эга бўла туриб аждодларимиз бизга қолдирган қўлёзма асарларини ўқий олмаса, бу қандай мутахассис?

Фикримизча, **барча ўқув юртларида ўқитиладиган жисмоний тарбия фуқаролик ҳимояси, табиий фанлар концепцияси каби фанларни ўқитишдан бўлажак филолог ёки шарқшуносга не фойда? Бу фанларни ихтисосликка қандай даҳли бор?** Тўғри, бизнинг ёшларимиз жисмонан соғлом бўлиб етишмоқлари керак. Республикада жисмоний тарбия машғулотларини, спортнинг барча турларига қизиқишни кучайтириш зарур. Лекин бу каби соғломлаштириш тадбирларини албатта дарс соатларида ўтиш зарурми? Дарсдан ташқари турли спорт секциялари, тўғараклари, мусобақалари ўтказиш йўли билан спорт машғулотларини амалга оширса бўлмайдими?

4. Эски мактаб ва мадрасаларда таълим олган ота-боболаримиз араб, форс ва туркий тилларни мукаммал билганлар. Бу тилларда ижод этиб, дунё маданий хазинасига улкан ҳисса қўшган асарларни яратганлар. Араб тили мусулмон шарқида илм-фан тили, форс тили эса шеърият тили сифатида шуҳрат қозониб келган. Халқимизнинг бутун маданий ва маърифий мероси, тарихий саҳифалари мана шу тилларда битилиб, қўлёзма сифатида авайлаб-сақланиб келинмоқда. Биз ёш авлодни бу қўлёзма асарларни ўқиб тушунишга, биринчи навбатда араб, форс тилларидан чуқур билимли бўлишга ўргатишимиз керак. **Ҳозирги ёшларимиз европа тиллари билан бир қаторда шарқ тилларини ўргансалар ёмон бўлмас эди.**



Шу орқали улар ўзларига маданий-маърифий меросни ўрганишга замин яратадилар.

Истиқлол даври ёшлари баркамоллик даражасига эришишлари учун камида 3-4 тилни мукаммал билишлари ва бу тилларда муомала қила олишлари зарурлигини замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этган ҳолда таълимнинг бошланғич босқичидан болаларга Шарқ ва Ғарб тилларини ўрганишни жорий этиш лозим деб ўйлайман. Шарқ тиллари ўқитиладиган мактаблар сонини кўпайтириш, хорижий тиллар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларини ёзиб нашр этиш чораларини чуқур ўйлаб кўриш керак.

5. Президентимиз иштирок этган бирор бир анжуман, йиғилиш ёки учрашув йўқки, унда Ислом Абдуғуниевич ёшларимизнинг тақдири ва уларнинг соғлом келажаги ҳамқида куйиниб гапирмаган бўлсин. Шу ғамхўрлик боиски, неча ўнлаб иқтидорли ёшлар хорижий мамлакатларга бориб ўқиб келмоқдалар. «Устоз» жамғармаси ёрдамида кўпгина ўқитувчи, мураббийлар чет элларнинг нуфузли ўқув юртлари ва илмий марказларига бориб, ўз малакаларини ошириб қайтмоқдалар. Республиканинг бир неча олий ўқув юртлари қошида академик лицейлар ташкил қилиниб, у ерда юқори малакали мураббийлар дарс бермоқдалар. 2000 йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди.

Бу улкан ишларнинг ҳаммаси Президентимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрликлари натижасидир. Афсуски, бу имтиёзлардан барча ёшлар фойдаланиш имкониятига эга эмаслар. «Бир гул билан баҳор бўлмайди» деган нақл бор. Баҳор бўлиши учун бутун атроф, боғ-роғлар гулга бурканиши, дарахтлар кўкариб, гўзал табиат оғушига кириши керак. Биз учун Республикамизда истиқомат қилувчи барча ёшларнинг истиқболи муҳим. Уларни буюк давлат барпо этувчилар каби тарбиялаш учун барча кучғайрат, имкониятлар сафарбар этилади.

Ёш авлод миллий маънавият билан бир вақтда жаҳон цивилизациясини ўзлаштириб боргани маъқул, улар жаҳон маданияти хазинасига улкан ҳисса қўшган ва дунё аҳлини ҳайратга солган композиторлар, мусаввирлар ва меъморлар ҳамда уларнинг асарлари ҳақида, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг тарихи ва маданий обидалари тўғрисида тасаввурга эга бўлишларини истаймиз.

Ўрта мактабни битириб, олий ўқув юртига ўқишга киролмай қолган қанчадан-қанча ёшларимиз эътибордан четда қолиб келмоқда. Уларнинг айримлари пул топиш, тирикчилик қилиш йўлида турли ишларга қўл урмоқдалар. Маънавияти бўш айрим ёшлар гиёҳвандлик, ақидапарастлик, бузуқчилик ва ўғрилик йўлларига кириб кетишлари ҳеч гап эмас. Бундан ташқари, **олий ўқув юртига шартнома асосида ўқишга кирган айрим иқтидорли талабалар ўқиш учун пул тополмай ўқишни ташлаб кетиш ҳоллари ҳам учраб турибди.** Биз мана бундай ҳоллардан ёшларимизни қандай ҳимоя қилиш устида тинимсиз бош қотирайлик.

Ҳозирги кунда тараққий этган мамлакатларнинг билим даражасига етиб олиш мақсадида Ўзбекистон миллий таълимида Европа мамлакатларида қабул қилинган усуллар қўлланилмоқда. Жумладан, ўқувчи ва талабалар билимини аниқлаш учун тест синов усуллари ва улар билимини баҳолаш учун рейтинг назорат усули кенг жорий этилди. **Лекин бу усулларнинг самараси ҳақида ўқитувчи ва педагоглар орасида турли фикрлар пайдо бўлмоқда. Тест синов усуллари талабалар билим даражасини чуқурлаштиришга хизмат қилаяптими?** Ёшларнинг муттасил кенг фикрлаш қобилиятлари торайиб қолмаяптими? Бу каби саволларга ишончли жавоб топилганми? Ихтисослик бўйича дарслик, ўқув адабиётлари ва техник базанинг етишмаслиги туфайли талабалар ўз устиларида етарли ишламай қўйдилар. Илгарилари талабалар семестр давомида олган билимларини имтиҳонга тайёргарлик даврида эсга олиб, уни мустаҳкамлаб борар эдилар. Имтиҳон бекор қилингач, талабалар тест саволларига билиб билмас жавоб беришга ўрганиб қолдилар. **Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, тест синов усуллари айниқса тил ўргатишда бир мунча ноқулайликлар келтириб чиқармоқда. Шахс омилини эътибордан четда қолиб кетиши масаланинг ечимида салбий натижа бермоқда.**

Маълумки, ҳар бир тил фаолияти бир неча муҳим аспектларни ўз ичига олади. Биз талабанинг тил билиш даражасини баҳолашда грамматик қоидаларни билиш даражасидан ташқари унинг оғзаки нутқи, талаффузи, матн ўқиш тезлиги, сўз бойлиги, жумла тузиш қобилияти, оғзаки таржимаси каби ҳолларни ҳам аниқламай бўлмайди. Тест бунга имкон берадими? Тест тизимида мана шундай муаммолар оз эмас. Менимча, тест тизимига ўтишда моддий ва техникавий база яратиш, талабаларни дарслик ва ўқув қўлланмалари билан тўла таъминлаш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Мени яна бир савол безовта қилади: Тизимда қоғозбозлик керагидан ортиқча авж олиб кетмаяптимикин. Ўзимнинг узоқ йиллик педагогик фаолиятим даврида бундай беҳад интенсив ҳат-қоғоз алмашишини кўрмаган эдим.

Буйруқлар, кўрсатмалар, талабномаларнинг охири кўринмайди. **Институт жамоалари куни бўйи қоғоз тўлдириш, жавоб тайёрлаш билан банд бўлиб, ўзларининг асосий вазифалари — дарсга тайёргарлик кўриш, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш учун вақтлари қолмаяпти. Бу ўқув самарадорлигини оширишга хизмат қилармикин?** Тўғри, қоғозсиз мумкин эмас. лекин бунинг жиддий меъёри бор-ку! Ҳолбуки, кузатиб борсангиз, юборилаётган қоғозлардаги талабларнинг кўпчилиги айни бир масаланинг турли шаклда қайтарилишидан иборат бўлмоқда. Нега бир-биримизнинг вақтимизни оламиз. Нега зарур ишларни осон битирмаймиз. Расмият учун сарф бўлаётган қоғозлар шунчалар кўпки, кўриб юрагингиз ачийди. Ҳолбуки, қоғоз жуда қиммат ашё. Танқис.

Маърифатпарвар халқимиз ислоҳот моҳиятини чуқур англаган ҳолда миллий таълим истиқболидан кўп умид кутмоқда. Бу борада зиёлиларимиз ўзларининг одилона фикр-мулоҳазаларини баён этиб турсалар, деган умиддамиз.

Малик АБДУСАМАТОВ,
Тошкент давлат Шарқшунослик институти Педагогика ва шарқ тилларини ўқитиш методикаси кафедрасининг мудири

ДИССЕРТАЦИЯ:
ЁЗИЛИШИ ВА ЁҚЛАНИШИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Давоми. Боши 1-бетда

ўрганганимизча йўқ. Бу эса жамиятга ниҳоятда қимматга тушаётганлигини ўйлаб кўришга ҳам вақт тополмаётирмиз. Булар эса, очиғи, табиатан камёб учрайдиган ёмбидай гап. Улар фавқулодда истеъдод ва лаёқат соҳиблари бўлганлигидан улардан диссертация ёзишни талаб қилгандан кўра, мустасно тарзида, уларга, ҳеч бўлмаганда, доцентлик, профессорлик унвонларини бериш билан ёшларнинг, айниқса, жамиятнинг улардан оладиган фойдасини бир неча баравар кўпайтирган бўлармидик...

Тўғри, Мустақилликдан сўнг бу борада ҳам янгилик эпкинлари эсиб, диссертация ёқлаш тизимига бир қадар ўзгартишлар киритилди. Чунончи, ВАК ўрнига ОАК (Олий аттестация комиссияси) иш бошлаганига анча йиллар бўлиб қолди. Лекин бу муҳим жабҳада қилинганига нисбатан қилиниши лозим бўлган ишлар ҳали анчагина. Чунончи илмий ишларнинг мавзуларида ҳамон у ёки бу даражада бир-бирини такрорлаш, тарих ва фалсафанинг очилмаган қўриқларини кўтариш ўрнига ҳануз мустабид империя (1917—1991)нинг ноактуал муаммолари устида бош қотириш ҳоллари учрамоқда. Бу жиддий муаммо. Б. Аҳмедов, Э. Ртвеладзе, Қ. Хоназаровнинг «Олимликнинг юксак шарафи учун» («Правда востока». 16 сентябр 1997 й № 174) мақоласида ўртага қўйилган. Биз мазкур мақолада илгари сурилган танқидий фикрларга тўла қўшилган ҳолда, диссертация ёқлаш тизими борасида узоқ йиллардан бери йиғилиб келаётган баъзи бир фикр-мулоҳазаларимизни ҳам айтиб ўтишга эҳтиёж сездик.

Бизнинг назаримизда, диссертация ёқлашдан мақсад ҳимоя қилинмиш йирик илмий-тадқиқот иши жамиятга салмоқли наф, манфаат келтириши кўзда тутилганидир. Лекин бугун шу нарсага тўла эришаяпмиз деб бўлмайди. Нега? Чунки диссертация ёқлангач, унинг бир нусхаси кутубхонанинг кўпчилик кўзидан холироқ жойда сақланиши чуқур мулоҳаза талаб қилади. Агар у ё бу тадқиқотчи (эҳтиёж тақозоси билан) мазкур иш билан танишмоқчи бўлса, ўз жамоаси раҳбаридан хат келтириб кутубхона раҳбариятининг ҳам бир неча имзолари қўйдирилгачгина уни кўриш ва ўқишга муваффақ бўлади!.. Бир томондан, бу тўғрига ҳам ўхшаб кўринади. Зероки, агар доцент ҳақиқий олим бўлса, унинг диссертацияси ҳам давлатнинг интеллектуал хазинасидаги ўзига хос бир хазина. Давлат бу иш юзага келгунча озмунча маблағ сарфламайди. Лекин бошқа жиҳатдан олиб қараганда йирик илмий иш тор доирадаги одамлар эътиборига тушиб, сўнг қолиб кетса, диссертация ёқлаш мантиғини йўқотади. Чунки агар биз фикрлашдан фикр, кашфиётлардан кашфиёт туғилишига ишонар эканмиз, диссертациялардан кенг фойдала–нишни бебаҳо, улкан кашфиётларнинг туғилмай, кўп булоқлар кўзининг очилмай қолишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Бинобарин, диссертациялар билан бемалол танишиш имконияти яратилса, нур утсига аъло нур бўлур эди.

Иккинчидан, диссертациялар ҳимоя қилиш тизимига бироз ўзгартириш киритиш лозимга ўхшайди. Бизнингча, диссертацияни китоб шаклида ҳимоя қилиш ўзини оқлаган бўлур эди. Чунки ҳозирги ҳимоялар нисбатан тор илмий доираларда ўтади. Афтореферадарда эса маълумки ҳамиша ҳам диссертацияларнинг бутун моҳияти тўла қамраб олинавермайди. Бунинг устига улар атиги 200 донагача чоп этилади. Диссертациялар китоб шаклида 2 минг нусха атрофида нашр эттирилиб, илмий тадқиқот институтлари томонидан регионлар бўйича тарқатилиб соттирилса: 1) енгил-елпи ишларнинг ўтиб кетишининг олди олинган; 2) диссертация ва демак, илмий тадқиқот бевосита жамият ва халқ учун хизмат қилишига эришилган бўлур эди. Бу бир жиҳатдан сохта «олимлар»нинг кўпайиб кетишига ҳам чек қўйган бўлармиди балки. Жамоатчилик эътиборини қозонган тадқиқотни ҳимояга тавсия этиш жуда шарафли иш бўлар эди деб ўйлайман. Бунинг учун республикамизда хўжалик ҳисобида ишлайдиган «Диссертация» нашриёти ташкил этилса, ниҳоятда мақсадга мувофиқ бўлур эди. Яна бир таклифим шуки, мустақил давлатлар йирик кутубхоналарида бир вақтлар Ўзбекистонда ёқланган диссертациялар (агар улар ҳақиқий илмий қимматга эга бўлса) асл нусхада сақланади. Уларнинг микрофилмлари олиниб илмий жамоатчилик эҳтиёжлари учун тақдим этилса, илмий фикр ривожи учун хизмат қилади.

Таклифларни ёзиб тугатяпман-у хаёлимда покиза сийрат, фидойи инсон Иқбол Назарийнинг юқорида келтирилган шеъридаги қуйидаги мисралар ўзгарган ҳолда қулоғим остида янграгандек бўлди:

«Шогирдим дилидай нурли уфқ,
Мен ўша уфқни ёқлайман!»

М. МАДҒОЗИЕВ,
Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгаши Фарғона шаҳар бўлими масъул котиби

ЁҚЛАШНИ ЁҚЛАБ...

(Давоми. Боши 1-бетда)

Аҳли илм орасида расмий даражалар ҳеч қачон бирламчи эмаслигини кўрсатиш учун шу мисол етарли бўлса керак.

М. Мадғозиев домланинг мақоласидан мен энг аввало ҳар бир олимнинг сажияси унга берилган илмий даражага муносиб бўлсин, унвон эмас, илмнинг ўзи муҳим деган маънони ўқдим. Ростда, ҳатто Сукротдай алломанинг ҳам ҳеч қандай илмий унвони бўлмаган, бу устозининг харобгина ҳовлисидаги дарахт тагида ўтириб ундан сабоқ тинглаган Афлотун ҳам илмий даража нималигини билмай ўтиб кетган. Ҳозирга келиб эса, катта-катта илмий даража-ю унвонлари бор талай одамларнинг катта илм майдонида бор-йўқлиги билинмайди ҳам. Худди шунинг учун ҳам илмий даража дегани маълум маънода расмий, маълум маънода рамзий бир нарса.

Аммо унда... Гегелдай алломанинг бир умр академик унвонини ололмай армон билан ўтганига нима дейсиз? Кенг қамровли адабиётшунос, шоир Мақсуд Шайхзоданинг профессор бўлишни орзу қилиб яшагани ғалатими? Илмий даражаю унвонларнинг қандай меҳригиёси борки, не-не фозиллар ҳам шамъга ўзини урган парвонадай унга интиладилар?

Мен илм кишиси муайян даражада савия ва камолот касб этиб, фанга маълум ҳисса қўшганидан сўнг ўз соҳасининг билимдони сифатида расман эътироф этилишини исташини табиий ва маъқул бир ҳол деб биламан.

Мақола муаллифи илгариги ВАК ўрнига ОАК (Олий аттестация комиссияси) иш бошлаганини таъкидлаб, айрим таклифларни ўртага ташлайди. Булардан бири диссертацияларни китоб ҳолида ёқлаш йўлга қўйилса, деган тилак. Муаллиф, диссертациялар атиги икки-уч нусхада бўлганидан, ундаги илмий фикрлар афкор оммага етиб бормаяпти деб куйинади. Дуруст, аммо илмий ишини не ҳасратда битказиб, муаллимликнинг қаттиқ нонини тежаш эвазига қоғозу машинка ҳаққини топган фидойи тадқиқотчилар олдига ҳозирги шароитда китоб чиқаришни ҳам шарт қилиб қўйсак, жабр бўлмайдими?

Ва умуман, ОАК «биз энди мустақилмиз, маъқул топганимизни қилаверамиз» қабилида иш тутадирган ташкилот эмас: унинг барча талаб ва андозалари халқаро меъёрларга мос бўлиши шарт.

Муаллифнинг айрим истеъдодли, бироқ диссертация қолипига сиғавермайдиган олимларга истисно тариқасида доцент, профессор сингари илмий унвонларни беришга даъватига келганда, айтиш мумкинки, бундай тартибот азалдан бор, бўлиб келаётибди ҳам. Нафақат илмий унвон, балки фан номзоди, ё фан доктори деган илмий даражалар ҳам берилиши мумкин. Шарти – тадқиқотчи эълон қилган илмий ишлар муайян муаммони ёритишга бағишланган, чуқур ишланган ва фанга янгилик олиб кирган бўлиши, ҳажми ҳам камида бир номзодлик ёинки докторлик диссертацияси кўламида бўлиши лозим. Бугун адабиёт муаммолари, эртага, масалан, кийиниш маданияти, ё грамматика масаласига оид, бириси кун эса санъаткорларнинг ўзини тутиши сингари умуман олганда – керак, бироқ ягона бир илмий ҳақиқатни асосли суратда рўёбга чиқаришга йўналтирилмаган мақолалар жиддий илмий даража берилишига асос бўлолмайди.

Муайян фан тармоғи бўйича илми ҳам, умумий савия-сажияси ҳам етарли бўлгани ҳолда, диссертация ёқлашни «чўзадиган» олимлар кўп. М. Мадғозиев домла айтган «диссертация қолипига сиғмайдиган» олимларнинг анчаси – ана шундай, вақтида ёқлай олмаган домлалар. Хўш, бу «ялқовлик»нинг боиси нимада?

Менимча – қоғозобозликда.

Кўп ҳолларда, ҳа, баъзан эмас, кўп ҳолларда ёзиб битказилган ва ёқланадиган диссертация ҳажмидан ортиқроқ ҳужжатлар тайёрлаш лозим. Бунинг учун диссертация ёзишдан ҳам ортиқроқ вақт, эпчиллик ва ҳоказо хислатлар талаб қилинади.

Биласиз, айрим одамлар илмда ўта бўш, аммо ҳужжатларни тахт қилишга «суяги йўқ» корафта. Бунинг аксича, аксар мавлонолар шунга келганда уқувсиз. Оқибатда, «дипломат» сумкадаги келиштириб машинкаланган «ҳужжатлар»нинг эгаси, билимсизгина бўлса ҳам – пешқадам. Муаллиф айтган, эришган даражаси ва унвонига илман ва маънан нолойиқ, савияси пастроқ олимлар, аввало, ана шулар. Зеро, фаннинг энг оддий масалаларини бир талабачалик билмайдиган олимдан жамиятга не наф?

Шунинг учун ҳам, мунча йил ичида фалонта фан номзоди, фалон нафар фан доктори етиштирдик, деган дакки ҳисоботбозликдан воз кечиб, ҳар соҳанинг чинакам билимдонларини тайёрлашга ўтиш пайти келганга ўхшайди. Айтайлик, бирон довон ёки ер остидан туннел ўтказиб, автомобил йўли қуриш керак бўлса, ҳозир бунинг учун бир неча лойиҳа институтлари – юзлаб одамлар беш-олти йил овора бўлиши турган гап. Ҳолбуки, асримизнинг қирқинчи йилларида Ўш билан Бишкек оралиғидаги юксак тоғ қоясини тешиб уч километрлик автотоннел ўтказишнинг барча ҳисоб-китобини битта инженер ишлаб чиққан, қурилиш ишларига ҳам ўзи саркорлик қилган! Бу йўл ҳозир ҳам бинойидек ишлаб турибди.

Афсуски, тилакка қарши ОАК талабларига кўра қоғозлар миқдори кўпайгандан-кўпайиб бораётибди: масалан, менинг билишимча, ижтимоий соҳаларда эндиликда диссертациялар муҳокамага қўйилишидан олдин камида иккита илмий даргоҳда семинардан ўтиши ҳам (албатта, ҳужжатлари тайёрланиши) шарт қилиб қўйилди.

Фан номзоди ва фан доктори илмий даражасини олишга даъвогарлар олдига қўйилаётган талаблар нима учун тез-тез ўзгартирилаяпти – тушуниб бўлмайди. Чунончи, икки-уч йил илгари докторликка даъвогарлар чет эл журналларида ҳам камида иккита илмий мақола чоп эттириши шарт қилиб қўйилган эди. Ишни ёзиб бўлган, аввалги талабларга кўра етарли миқдорда илмий мақоласи ҳам нашр этилган, келаси ойда ёқлайман, деб умид билан кутаётган олим, бу «хушхабар»дан сўнг, ноилож, эплаб-сеплаб чет элга мақола юборади, лозим бўлса, мақоласини босиб чиқаришлари учун доллар ҳисобида пул тўлайди. Орадан бир йилча вақт ўтиб, мақолалар тахт бўлгач, лоп этиб яна бир «йўриқнома» чиқиб турибди: десангиз, энди чет элда мақола чиқиши шарт эмас, аммо шу диссертация юзасидан босилиб чиққан мақолаларнинг умумий сони 25тадан кам бўлмаслиги керак... Бечора, агар бор-э деб қўл силтаб кетмаса, яна бошқатдан ишга киришади – мақолалар сонини 25тага етказишга уннайди. Эсиз олимнинг умри! Бундай канцеляризмлар ва уларнинг тез-тез янгиланиб туриши оқибати эса маълум: илмга берилган олимлар уларга дарров мослашолмайди, қоғозбозлик машқини олган уддабуронларнинг ошиғи олчи бўлади.

Бундан кўра илмнинг ўзига, унинг теранлигига талаб юқорилатилса, қанийди!

Тағин бир масала. «Ўртамиёна» дейиладиган, очиқ айтганда, илми саёз олимлар қаердан пайдо бўлади? Бизнингча, ҳозирги аспирантура тартибидан.

Биласиз, аспирантура илм-фан кишиларини тайёрлашнинг асосий шакли. Илгари аспирантурада аспирантлар **ўқитилган**. Энг номдор олимлар уларга дарс берган. Фаннинг турли соҳалари, айниқса, ўзи танлаган мутахассислик бўйича адабиётларни чуқур ўрганиш, улар юзасидан рефератлар ёзиш талаб этилган. Кечаги талаба ана шу йўсинда илмга кириб келган. Аспирант тегишли имтиҳон ва синовлардан ўтса, курсда юқорилаган. Таълим шу тариқа узвий равишда юксалтириб борилар эди. Ҳозир аксар ҳолларда институтни битирган талаба илм билан шуғулланмоқчи бўлса, аспирантурага ҳужжат тайёрлайди. Унга қабул қилингач, уч йилгача бошвоғи ўз бўйнида, билган ишини қилади. Нима қилиб юрдинг, қайси китобларни ўқидинг, деб биров сўрамайди! Олиб келган диссертацияси муҳокамадан яхши ўтса – иш битгани. Оқибат, илмнинг ҳамма соҳаси бўйича савияси бир олий маълумотли одам қатори, фақат ўзи ёқлаётган ягона мавзу юзасидангина фан номзоди бўлган олим тайёр! Мен филология ёки биология фанлари номзоди бўлган киши аслида шу фаннинг барча тармоқлари (филолог учун – тилшунослик, адабиётшунослик, фолклор илм ва ҳ., биолог учун – ботаника, зоология, физиология ва ҳ.,) бўйича шу соҳада олий маълумотли одамдан билим ва илм нуқтаи назаридан савиясига кўра бир қарич баландроқ турадиган бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Ўзи ёқлаётган мавзу юзасидан эса унга академик ҳам етолмаслиги, шу илмий муаммо юзасидан у тенгсиз мутахассис бўлиши лозим эмасми? Афсус, аксар илмий муассасаларда ана шу аспирантларни ўқитиш таомили буткул барҳам топиб кетди.

Илм кишиси деган тушунчани белгилайдиган мезон тоши енгиллашиб кетмаяптими? Шу тариқа, бир юмалаб олим бўлганлар ёқлаганининг эртаси-гаёқ докторлик мавзуини танлашга тушади, Вақти келиб, ёқлайди ҳам... Бундайларнинг ўз иши юзасидан илмий кенгаш аъзоларининг саволларига жавоб бериш уёқда турсин, ҳатто савол мазмунини ҳам тушунмай, минбарда мулзам бўлиб турганликларига кўп гувоҳ бўлганмиз.

Қолаверса, шундай «илмий раҳбарлар»лар ҳам борки, диссертация пишган чоғдагина унинг мавзуидан бохабар бўладилар, гоҳо ўқиб кўрмаёқ муҳокамага қўйилишига ёинки ёқлашга тавсия бериб ҳам юборадилар. Оқибатда, номдор олимдан ночор шогирлар урчий бошлайди. Илмий иш мавзуини биргаликда белгиламаган, унинг режасини ҳамкорликда ишлаб чиқиб, йўл-йўриқ кўрсатмаган, ўртага қўйиладиган муаммоларни чегаралаб бермаган олим шогирд ўзини минг кўчага уриб, йўл топгунича қийнала-қийнала ўтган йилларига зомин бўлади, бундай устознинг бор-йўқ иши - банкетда чопон кийишдан иборат, холос. Афсус, «фалон илм соҳасида мактаб яратган олим» деган норасмий, бироқ энг қутлуғ унвон соҳиблари бўлган алломаларнинг сони камайиб, илмсиз, бироқ олимликка иштиёқи зўр ҳар кимсаки бор, «шогирд»ликка қабул қилиб, фан номзодлари сонини ошираётган устозлар кўпайди...

Бугунги кунда илмимиз – ўзимизнинг мулк, миллатнинг интеллектуал бойлиги. Шундай экан, болохонадор унвонли олимлар сонининг кўпайиши эмас, ҳар бир илмий даража соҳибининг чинакам фан заҳматкаши, асл илм кишиси бўлиши муҳим.

Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ

ЮРТ ҚАЛЪАСИ ЮРАКДУР

Бир мутолаа кечинмалари

– Тарих – яшаб бўлинган кун, деймиз. Тарих – суврат, деймиз. Аммо тарих ҳам жонли вужуд каби ўзини тўрт тарафга ташлар экан. Бўғилар, илтижо қилар, нафратланар, ҳансирар экан. Бунинг учун тарих виждонли тарихчи қўлига тушмоғи, янаям тўғрироғи, қалбига кирмоғи керак экан. Мен тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зиёевнинг «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш» («Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, Тошкент, 1998 йил. Мақоладаги барча кўчирмалар шу асардан олинди) китобини ўқиб хаёлимдан шу фикрлар кечди. Бу асар ҳақида матбуотда ўз вақтида яхши гаплар айтилган.

Мен бугун бу нашр ҳақидаги таассуротларни яна бир бор янгилагим келди.

Нега?

Ўзбекистон озодликка бир томчи қон тўкмасдан эришди, деган мутлақо ёлғон ҳулосаларни ҳурматли домламиз тарих титиб топган далиллар, ҳужжатлар тиғида яна бир бор синдиргим келди.

Домла ўз китобларида «Ватан ҳимоячилари» дея эъзозлаган, озодлик йўлларида шаҳид кетган минглаб миллатдошларимиз хотираси олдида яна бир бор бошим ерга теккунча эгилгим келди. Қиз бўлиб, сингил бўлиб улар учун йиглагим, фарёд кўтаргим келди.

Ва яна бир карра қийин, жуда қийин эришилган Ватан озодлигининг нақадар бебаҳо, беўлчов бойлик эканини ҳар бир юртдошимга айтмоқ истадим.

Ҳар қандай ноаҳиллик, ноиттифоқлик, шуҳрату мансабга очкўзлик, худбинлик, хиёнат – Озодликнинг кушандаси эканини, уни доим хавфу хатарга қўйишини таъкидламоқни хоҳладим. Узр, буларнинг ҳаммасини аслида юқорида тилга олинган асарида Ҳамид Зиёев айтган. Айтганда ҳам ривоятлар, ҳикоятлар, тусмоллар, тахминларга эмас, ўша жоногритар босқиннинг гувоҳлари, иштирокчилари тузган тарихга суяниб фикр юритган. Домла шунчаки воқеалар ва саналарни санаб, тизиб чиқмаган. Балки, аниқ саволлар қўйган, жавоб йиғган, таҳлил қилган, ишончли ҳулосалар берган.

1. Мустабидлар қандай мақсадни юракларига тугиб, бизнинг тупроғимизга бостириб кирдилар?

Ҳамид Зиёев рост жавобини топиб берган асосий саволлардан бири шу, назаримда. Ва бу рост жавоб биз учун ниҳоятда муҳим. Чунки босқинчилар биринчи қадамидан то машъум империянинг сўнгги соатларигача ўз қилмишларини ниқобладилар. Эл-кун кўзига бошқача овоза қилдилар. Ўзларини гоҳ маърифат ташувчилар, гоҳ «қийналган», «эзилган» улусга «раҳм-шафқат» юзасидан «марҳамат қилгувчилар» қилиб тақдим этдилар.

«...1714 йилнинг 19 майида Петр I Хива хонлигини забт этиш ҳақидаги фармонни сенатга юборади» (54-бет) «Савдогарлар ниқобида Сирдарё бўйлаб Ёркентга олтин қидиришга ва Амударё бўйлаб Ҳиндистонга борувчи кишиларга маблағ ажратилсин» (56-бет). 1837 йили рус императори Николай I Хива хонлигини босиб олиш ҳақида В. П. Перовскийга фармон берди. Шунга мувофиқ бу генерал рус императорига 4000 кишилик аскар ва 12 тўп ажратишни тавсия этди. Юришга сарфланадиган маблағ ҳажми 1,698 минг қоғоз пул ва 575 минг кумуш сўм миқдорида бўлиши кўрсатилди. 1839 йили 4250 аскар, 18 тўп, 2090 кишидан иборат қўшин жамланди» (71-бет).

Бу далилларнинг ҳар бири босқинчиларнинг юз йиллар давомида «маданий инқилоб», «маърифий ёрдам», «оғалик», «йўлчи юлдузлик» дея минг бир ном билан беркитиб келган ниқобларини банди-бандидан сўкиб юборади. Ҳамид Зиёев китобида бундай исботлар беҳисоб.

«Романовский Крижановскийга йўллаган ахборотида вилоятнинг фойдали қазилмаларини текшириш ва фойдаланишга киришилганлиги ёзилган. Бунга кўра, полковник Татаринов Чимкент тоғларида кўмир борлигини аниқлаган ва келаси йили уни Тошкентга кўплаб олиб келиш мумкинлигини билдирган. Северцев ва Николской Қоратоғда ва қисман Тангритоғда (Тян-Шан) текширувлар ўтказиб, кўрғошин ва темир жинсларини топганлар. Ҳатто Тошкентга олтин намунаси келтирилган. Демак, рус ҳукумати ўлканинг табиий бойликларини ўзлаштиришга дарҳол киришиб, мустамлакачи сиёсатини дарҳол бошлаб юборган эди».

Ҳа, бировларнинг ота-бобосидан мерос ерига яхши ният билан кираяпман, деганларнинг қўлида камида гул, кўзида меҳр суврати зоҳир бўлади. Истилочиларнинг «текширилсин, олинсин!» каби буйруқлар, фармонлар билан юртимизга кириб келганининг ўзиёқ уларнинг асл қиёфасини фош қилади.

Қўлларидаги ўқланган милтиқлари, ёнбоши, изидаги замбараклари уларнинг қора ниятларини ҳеч қандай изоҳсиз тушунтиради.

Ҳамид Зиёев мазкур асарда китобхонлар диққатини яна бир муҳим саволга тортади, назаримизда. Бу савол илдизи ҳам асли бизнинг юрагимизда. Йиллар давомида бу савол гоҳ пичирлаб, гоҳ беовоз кўп бор такрорланган.

– Ўзбеклар отамерос юртига бало-қазодай ёпирилиб келган истилочиларни қандай қарши олдилар?

Муҳтарам домламиз ўз ёзмишларида бу савол жавобига алоҳида эътибор беради.

«1834 йилнинг май ойида Тошкент қўшбегиси ва Санжар Қосимов (Қўқон хонлиги тарафида туриб истилочиларга қарши курашган шахс – таъкид бизники) 6 минг кишилик аскар билан Қўқчатов округининг чегарасига яқинлашдилар. Улар Улутовга бориб анча мустаҳкам ҳарбий истеъҳкомлар қурдилар. Бу ердан Рус давлатига қарши курашга чорловчи салкам 200 варақа Қозон султонлари ва бийларига тарқатилди» (86-бет»).

«Ватан ҳимоячилари генерал Перовскийнинг хатига «Бизлар бир сиқим порох ва кўчада бир кесак қолгунча ҳамма қуролларимиз синиб битгунча жанг қиламиз» деб жавоб қайтарган» (100-бет).

«...Хуллас, – деб ёзган эди ўзининг ҳукуматга берган ахборотида Колпаковский (истилочилар полковниги – таъкид бизники) – қарши томон мутлақо қутилмаган ҳолда қаттиқ қаршилик кўрсатди. Уларнинг ҳужуми ниҳоятда шиддатли бўлиб бир неча бор қўл жангига айланиб кетди» (115-бет).

«Авлиёотадаги эркак ва аёллар, ҳатто болалар ҳам душманга қарши бир ёқадан бош чиқариб жанг қилганлар» (124-бет).

«...Генерал Черняев шармандаларча мағлубиятга учраб 4 октябрда Чимкентга қайтиб кетишга мажбур бўлди» (144-бет).

Ишончли манбалардан олинган бу тарихлар Ватанимизнинг ҳар шаҳар, ҳар қишлоғи жуда қаттиқ ҳимоя қилинганлигини кўрсатиб турибди. Ватандошларимиз бир жангда қалъа деворларидан ўзини душман устига ташлаб, энг қадим аскарчасига яккама-якка бўғишиб, ғолиб чиқса, яна бир олишувда қуроли синса, муштлашувга кирган.

Муҳтарам тарихчимиз Озодлик курашчиларининг имкон қадар, жанг манзаралари, исм-шарифлари ҳақида кенгроқ маълумот беришга интилган.

«Рус давлатининг тажовузига қарши Оқмасжид бошлиғи Ёқуббек Қумушқўрғон, Жўлек, Чимқўрғон, Тошқўрғон сингари истеҳкомлардан 1700 нафар аскар тўплади» (94-бет).

«...Мир саройида кенгаш ўтказиб, уруш масаласи бўйича маслаҳатлашилганда лашкарбоши Усмонбек шундай деди: «Русларга қарши курашни давом эттириш лозим. Кофирларга катта ҳажмдаги товон тўлагандан кўра – бир томчи қон қолгунча жанг қилиш афзалдир. Бунинг устига халқнинг ўзи ҳам курашишни хоҳламоқда» (273-бет).

Курашамиз, бир томчи қон қолгунча жанг қиламиз, ўлсак ўламизки, еримизни бермаймиз, деган ор—номусли ватандошларимиз кўп, жуда кўп эди. Оқмасжид қўмондони Муҳаммадали, қўқонлик султон Саъидхон, Яҳёҳожи, Аминхўжа, Жонғози Шерғозиев, Хўжа Ниёзбек... Айниқса, бу саноқлар ичида қўқонлик лашкарбоши Олимқул исмли алоҳида бир ярқираб туради.

Бирор миллатга қарам яшаган миллатнинг таржимаи ҳолида «қул бўлиб яшаган» деган қора доғи бўлади. Чунки босиб олгувчи ҳар қанча кучли, қудратли бўлмасин, у ожизлик, заифлик қаршисида қудратлидир. Айтмоқчиманки, қуллик қисматида бўйнига бўйинтуруқ тутганлар ҳам гуноҳдан холи бўлмайдилар. Шу маънода, бизнинг хотирамизда ҳам доғ бор.

Ҳамид Зиёев асарида келтирилган ватан ҳимоячиларининг ҳар биттасининг табаррук исми ўша доғларимиздан биттасини ювиб туради. Шу маънода бу қутлуғ номлар шунчаки тарихимиз саҳифаларидаги ҳурмат билан ёдлангувчиларимизгина эмас, улар миллатимизнинг асл белгиларини ўзида асраб қолган яхшидан-яхшиларимиздир. Уларнинг оти, иши, хотираси кейинги қурашлар алангаси учун чўғ бўлди. Чунки ватан учун курашганлар қуйиб кулга айланмайдилар, улар совимайдилар. Ватаннинг муҳаббати шундай муҳаббатки, у ҳокини ҳам ўтлантириб туради...

Ҳар ҳолда мен Ҳамид Зиёев ёзган тарихдаги Озодлик ҳимоячилари исмларига оддийгина кўз югуртириб ўтиб кетолмадим. Уларни бармоқларим билан сийпаладим, қорачиқларим билан ўпдим, томган кўз ёшларим ҳам чўғланиб кетгандай бўлди...

Одатда, тарих ақл билан ўқилади. Шунинг учун менинг бу ҳолатим бироз ғайритабиий туюлиши мумкин. Аммо бу тарихни ҳис-ҳаяжонсизлар ёниб-куймасдан ўқиб бўлмайди.

Китобдаги воқеаларга беихтиёр қўшилиб кетаверасан. Қайси бирисинингдир ёқасидан тутгинг, яна бировининг бошини силагинг келади. Айниқса, тарихчи «Шу қадар қаршиликка қодир экан, нима учун биз истилочилардан енгилдик?» деган оғриқли бир саволга жавоб берар экан, бу ҳолат ўқувчида тез-тез такрорланади.

Нега, нечун?

Бу саволга далиллар билан жавоб бериш, жони-жонингга туташ миллатдошларинг ҳақида ҳақиқатни айтиш осон эмас. Айниқса, бу ҳақиқатда хиёнат бўлса, айниқса, бу ҳақиқатда пасткашликлар бўлса...

Аммо айтиш шарт бўлгани учун айтасан. Юрагинг қонаб, оғриб, ўзинг ҳам хўрланиб, ҳақоратланиб, ҳар айтганингда довушларинг титраб айтасан...

Ҳамид Зиёевнинг айтишида ҳам ана шу оғриқлар бор.

«...Қўқонликлар бухороликлар билан душманчиликдадирлар. Улар рус қўшинлари Авлиёотага яқинлашганда, Бухородан ёрдам сўрадилар... Бухоро амири Худоёрхонни Қўқон тахтига қайта ўтқазиш шарти билан ёрдам беришини маълум қилди. Қўқонликлар бу шартга юрмадилар. Шундан сўнг Бухоро амири ҳарбий юриш уюштириб, Хўжандни, сўнгра эса Қўқонни босиб олиш ҳаракатига тушди. Қўқон хонлигидаги гуруҳлар ўртасида кураш кўзга ташланмоқда. Туркистон ҳокими Мирзо Давлат эса янги хонни (Саъдихонни) тан олгани йўқ (126-бет, Сибир корпуси командири Дюмагел тавсифномасидан).

«Биз ўзимиз Қўқон хонлиги даврида Мирзо Давлатнинг ғайриқонуний сиқувлари ва зулмидан холи бўлиш учун шаҳар дарвозасини очдик ва ихтиёрий равишда император олий ҳазратларига бўйсундик» (Туркистон шаҳри бир гуруҳ уламолари иқрорномасидан, 129-бет).

Давоми 4-бетда

АДАБИЁТ НЕГА ЎҚИТИЛАДИ?

Бир пайтлар истилочилар генерали М. У. Черняев подшо Николай II га юборган хатида шундай ёзган эди: «Бу ерда ҳар қандай қўшинни тўзитиб юборадиган бир қудратли куч бор. Бу – туркистонликларнинг кечмиш хотираси. Уч-тўрт йил илгари ҳар қандай кучни, миллатни енгган турклар ҳозир ҳам ўша ўчмас хотиралари билан ҳар қандай ташаббусни синдира оладилар. Демакки, туркларнинг биргина ўзини енгиш кифоя эмас. Уларнинг хотираларини, тарихини ҳам енгмоқ керак». Тажовузлар шу йўналишларда давом этгани ва уларнинг нималарга эришгани тарихдан аён.

Ҳозирги кунда тарихни пухта ўрганган ва яхши билган, замонавий илғор фан ютуқларини мукаммал эгаллаган ватанпарвар, баркамол ёшларни тарбиялаш асосий вазифа бўлиб турибди. «Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур», – дейди Президентимиз академик И. А. Каримов. Табиийки,тарих тил билан, ёзув билан тилга киради.

Республика мустақилликка эришгач, тез орада ҳамма олий ўқув юртларида ўзбек тили ва адабиёти кафедралари очилди, улар юқори малакали ўқитувчилар, фан номзодлари ва фан докторлари билан таъминланди. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги нофилологик олий ўқув юртларининг миллий гуруҳларида ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш тўғрисида махсус буйруқлар қабул қилди. Улар асосида ўзбек тили ва адабиётидан дастур, сўнгра қўлланма ҳам нашр этилди. Бу дастур, қўлланмаларга кўра, нофилологик олий ўқув юртлари талабаларига мос ҳолда, Давлат тили ҳақидаги Қонун, ўзбек халқи ва адабий тилининг шаклланиши, ҳозирги ёзма ва оғзаки нутқ малакаларини эгаллаш, услубшунослик ва ҳужжатшунослик масалалари хусусида маълумот оладилар. Адабиёт қисмида эса қадимларга бориб тақаладиган оғзаки ва ёзма мумтоз ўзбек адабиёти ҳамда ҳозирги ўзбек адабий жараёни ҳақида маълумот берилади. Дунё илмига ҳисса қўшган Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек, буюк муҳаддислар, машҳур давлат арбоблари билан ўқувчиларни таништиради. Мустақиллик деб жонини фидо қилган жадидлар – Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носирларнинг ҳаёти ва ижоди таҳлил қилинади.

Бадиий адабиётдан бериладиган маълумотлар шахснинг маънавий юксак, ватанпарвар, инсонпарвар, адолатпарвар, диёнатли, пок, садоқатли, ёмонликка, адолатсизликка, турғунликка қарши дадил курашадиган комил инсон бўлишига кўмаклашади.

Шунинг учун ёшлар бадиий адабиётнинг ўзига хос бир олам эканлигини, унинг сирини, жозибасини, мафтункор қудратини қанча яхши билса, унга нисбатан муҳаббати шунча кучли бўлади ва миллий мустақиллик мафкурасининг моҳиятини шунча теран англайди, унда ўз халқи, миллати ва маданияти билан ғурурланиш ҳиссиётини уйғотади ва у келажаги буюк давлатимизни барпо этишга шунча кўпроқ ҳиссасини қўшади.

Ана шундай олий мақсадларни кўзлаб, ўқув режаларига киритилган «Ўзбек тили ва адабиёти» курси баъзи олий ўқув юртларида мунтазам ўқитиб келинса ҳам, кўп нофилологик олий ўқув юртлари ва факультетлари раҳбарларининг «Ўзбек гуруҳларида ўзбек тили ва адабиётининг нима кераги бор!» деган «мулоҳазалари» билан бу курсни ўргатиш амалдан четда қолмоқда. Таъкидлаш жоизки, «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедраси рус гуруҳларида ўзбек тилини ўқитиш учунгина очилган эмас (иложи бўлса, бунинг учун алоҳида тиллар кафедрасини очиш лозим).

Юқоридаги асоссиз «мулоҳазалар»га келсак, шуни айтиш керакки, ўзбек тили ва адабиёти ўзбек мактабларида асосий фан сифатида ўқитилиб келинади. Университетлар ва педагогика институтларида ўзбек тили ва адабиёти факултети асосий факултетлардан бири саналади ва бу фан ҳозирги куннинг комил инсонларини тарбиялашдек олий мақсадларни кўзлайди.

ЎзРФА мухбир аъзолари:
Ғ. АБДУРАҲМОНОВ, С. МАМАЖОНОВ

ИСПАЙ ТОҒЛАРИ ҲАҚИҚАТИ

Бўстонлиқ туманининг тоғли Испай қишлоғида бир ажойиб отахон истиқомат қилади. Бу ҳурматли инсонни Мирзораим Абдураҳмонов деб аташади. Унинг ғайратига қойил қолмаган киши йўқ. Болалик йилларидан тоғу тошларда меҳнатда чиниққан Мирзорайим бобо қарилик нафақасига чиқиб қўл қовуштириб ўтирмади. Ўғил-қизлари, келинлари билан маслаҳатлашиб, уларнинг бошини яхши бириктириб оилавий хусусий ферма ташкил қилди. Унинг олижаноб ниятини оиладаги 12 фарзанднинг барчаси қўллаб-қувватлашди.

Отахоннинг режасини туман раҳбарлари ҳам қувватлашди. Айтиб ўтиш керакки, ўша кезларда ҳувиллаб ётган қишлоқда на жамоа хўжалиги ва на бирорта ҳунармандчилик корхонаси бор эди. Анчамунча ёшлар куч-ғайратларини қаерга сарфлашни билмас эди. Қишлоқда тайинли иш бўлмас. Шундай шароитда Мирзорайим отанинг ташаббуси ҳар жиҳатдан ибратли эди. Отанинг хусусий фермаси давлат банкидан тўрт юз минг сўм ссуда олди. Мирзорайим ота 50 га майдонда фермер хўжалигини оёққа қўя бошлади. Ота ёнида тиришиб-тирмашиб ўғил-қиз, келин-куёвлар, маҳалла-қўйнинг ёшлари бел боғлаб ишга киришди.Тошлоқ, ёввойи бутазорлар деҳқончилик учун очилди, олмазор, ўрикзор боғлар яратилди. Ер очилди. Турли сабзавот экинлари экиб, парваришланди. Чорва ва асаларичилик сингари сербарака соҳаларни йўлга қўйишди. Дастлабки йилнинг ўзидаёқ қаттиқ тер тўкиб самара кўришди. Тоғ шароитида ҳар бир гектардан 15–16 тоннадан ошириб картошка ҳосили йиғиштирилди. Моллар туёғи 40 тага етказилди. Ҳар бир сигирдан биттадан соғлом бузоқ олинди. Олмазор ва ёнғоқзорларнинг мўл ҳосили нест-нобуд бўлиб кетмади. Хўжалик бир минг беш юз килограмм тоғ асалини давлатга топширди. Шундай қилиб, кекса фермер Мирзорайим отанинг фермаси дастлабки йиллардаёқ давлат банкидан олган қарзини тўлаб узди. Йил охирида ғалвир кўтарилди. Ҳар бир ишловчининг олган фойдаси 50–60 минг сўмдан кам бўлмади. Жамоа эса бир миллион беш юз минг соф фойда кўрди. Дастлабки йил учун ёмон эмас, тўғрими?

Меҳнатдан барака деганларича, ферма икки минг етти юз килограмм гўшт, 3,5 тонна сут, 5 тонна картошка топширди. Бундан ташқари туман аҳолисига арзон баҳода 24 тонна картошка сотди. Қишлоқдаги касалхона, болалар боғчаси, кам таъминланган оилалар ва фахрийларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ёрдам тариқасида тарқатилди.

Испай қишлоғининг тоғ этакларидаги яйловларида ферманинг чорва моллари ёйилган, уларнинг қишлови учун барча имкониятлар яратилган. Бу борада Миркарим Абдураҳмонов, унинг укалари Шомирза, Абдумансур, Баҳодир, Фарида, Қуронжон сингари азаматлар тун-кун тинмай ишнинг кўзини билиб тер тўкишади.

Ферманинг эл учун қилаётган ишлари шуларгина эмас. Жамоа олинган фойда ҳисобига қишлоқ ичидаги йўлларни асфалтлади, транспорт қатновларини йўлга қўйди. Янги молхоналар кўтарилди. Тоғ бағрида 50 гектар бўғдойзор, олмазор, хурмо ва узумзор ҳосилга киряпти. Қишлоқ ичидаги йўллар атрофига 2,5 минг туп терак экиб парваришланмоқда. Мирзорайим ота Абдураҳмоновнинг шунча ишларини айтдик. Унинг ўзи нима дейди денг:

– Она-заминга астойдил ихлос қўйиб, ҳалол меҳнат қилган киши асло кам бўлмайди. Еримиз хазина, суви гавҳар, одамларимиз олтин. Аждодларимиздан бизга мерос шу ерни обод қилсак рушнолик топамиз. Белингда кучинг, билагингда ғайрат бор экан, ҳалол меҳнат қилсанг, хазина калити сеники. Фаровон ҳаёт кечирасан.

Ота қариб ёши бир жойга бориб қолишига қарамай ҳамон юрагида меҳнат иштиёқи жўш уради. «Мана шу дамгача на хасталик, на чарчаш нима эканлигини тасаввур қилолмайман», – дейди у.

Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди. Отахоннинг барча оила аъзолари шу олдий ҳақиқатга риоя қилишади. Улар ҳаётда ҳалол ва бахтли яшашга одатланганлар. Отахон ҳузуридан қайтар эканман, Испай тоғларининг осмонга бўй чўзган чўққиларига қарайман. Уларнинг кумуш бошларида ҳаётнинг азал ҳақиқати нурланаётганга ўхшайди.

Рўзимат ДАМИНОВ

Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор...

Таклиф этаман

СИНГАРМОНИЗМ НИМА?

Сингармонизм — унлилар уйғунлиги демакдир. Унлилар уйғунлиги ҳар бир унлини ўз жуфтига эга бўлишини тақозо қилади. Агар буни ўзбек тилига тадбиқ этадиган бўлсак, тилимизда **а, у, ў, и, э** унлилари иккитадан бўлишлиги керак. Олимлар икки унлидан бирини юмшоқ ёки тил олди, иккинчисини қаттиқ, яъни тил орқа деб таърифлайдилар. Агар бу фикрни **а** товуши мисолида кўрадиган бўлсак, тилимизда иккита **а** фонемаси бўлиб бири юмшоқ, яъни тил олди **а**, иккинчиси қаттиқ яъни тил орқа **а** унлиси бор деган гап. Ўтмиш тилшунослардан Маҳмуд Кошғарий, Толи Ҳиравий, Мирза Маҳдихон, Фазлуллахон Барлос каби олимларнинг асарларини ўрганиш шуни кўрсатадики, ўзбек тилида битта **а** унлиси бўлиб, у тилни олди билан ҳам, орқаси билан ҳам талаффуз қилинмайди. (Ўзбек шеваларида учрайдиган икки **ў** фонемаси бундан истисно). Бу алломалар қаттиқлик-юмшоқлик ҳам тилимизга ёт эканлигини таъкидлаб ўтганлар. Модомики, ўтмиш алломалар асарларида ўзбек тилида тил олди-тил орқа, қаттиқлик-юмшоқлик йўқ экан, демак сингармонизм ҳам йўқ. Бу атамани шўро олимлари ўйлаб топдилар ва уни ўзбек тилига тадбиқ этиб, ўзбек тили товуш тизимини бутунлай бошқа йўлга буриб юбордилар. Хўш, тил олди **а** ёки тил орқа **а** деганда нима тушунилади? Ҳеч нима тушунилмайди. Чунки унлилар дунё тилларида товуш тўсиғига учрамайдиган товушлардир. Унлилардаги бу хусусиятни тўғри англаган маърифатпарвар оталаримиз 20-30-йиллардаёқ уни жуда тўғри **чўзғи** атамаси билан ифодалаган эдилар. Биз бугун бу атамани тиклаш тарафдоримиз. Агар биз бу атамани тикласак, ўзбек тилшунослигида ишлатилаётган бир хил маънодаги **унли** ва **ундош** атамаларини нотўғри ишлатишдан қутуламиз. Аслида бу атамалар синоним бўлиб, бири — **ли,** иккинчиси — **дош** аффикси билан ясалган сўзлардир. Мабодо **чўзғи** атамаси тикланса, унли атамаси ўз-ўзидан тушиб қолган бўлур эди.

Эргаш УМАРОВ

ЙЎЛДАГИ ЙЎЛДОШИНГИЗ

«Аёлни қадрлаш, оғир ишлардан халос этиш, ёмон иллатлардан ҳимоя қилиш, — эр кишининг, бутун жамиятимизнинг бурчидир».

Президентимизнинг «Соғлом авлод йили» муносабати билан катта минбардан айтган бу даъватларини «Саодат» ҳамиша ўз фаолиятига дастурамал биладi.

«Ҳамма бир-бирига масъул». Журналнинг 7-китобчасида чоп этилган шундай сарлавҳали мақолага диққатингизни қаратгимиз келади. Бунда «Саодат»га жамият ва оиладаги мушкулларини енгиллаштиришга мадад сўраб ёзган опа-сингилларимиз мактублари таҳлил этилади. Умуман, журнал кейинги пайтларда журналхонлар мактубларига, фикр-мулоҳазалари, таклиф, талабларига кенг ўрин бермоқда. «Аёлнинг жони қирқтами?» (8-сон) сарлавҳали хат Навоий вилоятидан келган.

«Саодат»нинг 7- ва 8-китобчаларида чоп этилган ана шундай мактублар Ватан мустақиллиги аёлларни фикрлашга, сўз айтишга ўргатаётганини далиллайди.

Хотира инсон юрагидаги соғинч туйғусини уйғотади. Одам ота-онаси, болалиги билан боғлиқ дамларни ёдлар экан, яна бир марта хаёлан бола бўлади. Юрагидаги жонсизлаша бошлаган беғубор туйғулар тирилади.

Муҳтарама шоирамиз Эътибор Охунова «Дутор ва танбур қиссаси», Манфаат Алп Жамол қизининг «Ипак ойим» бадиалари ана шундай гўзал ҳиссиётларга умр бергувчи эсдаликлардир.

«...Бир куни бобом беш-ўн улфатлари билан чойхонада гурунг қилиб ўтирган экан. Гапга бир мусофир қўшилиб шу гузардан ҳовли олмоқчи эканлигини айтибди. Бобомнинг мусофирга раҳми келиб бир ҳовлисини унга сотмоқчи бўлибди. Ҳовли 3 мингга баҳоланибди. Аммо қўл ташлаётиб, уч минг дейман деб янглишиб, уч сўмга сотдим, деб юборибди...»

Асомиддин бой лафзида турадими йўқми, деган саволга журнални ўқисангиз жавоб топасиз.

Лола Элтоева Фирдавс исмлик ўғил кўрганини унинг ҳамма мухлислари ҳам эшитмаган бўлса керак. «Жайрон кўзлигим», «Саодат» 7-китобчасида шу сарлавҳа билан Ҳамза театрининг истеъдодли актрисасига йўллаган табриги ва совғасини билгингиз келса, китобчани ахтариб, топасиз.

«Гул чоғи гул бўлиб...» Бу қайси санъаткор бўлди экан, деган саволга эса 8-китобчадан жавоб топилади.

Хонзода бегим... ҳа, ўша Бобурийлар салтанатидаги ноёб аёллардан бири...

Ҳазрат Бобурни гоҳ Бобуржон дея опа сифат суйган, гоҳ онҳазрат дея бош эгган маъсума, оқила...

Сиз хон Шайбоний даргоҳини бегим нима боисдан тарк этганини биласизми?

Адиба Омина Тожибоеванинг «Тақдири азал» (8-сон) тарихий ҳикояси ана шу савол жавоби асосига қурилган. Ҳикоянинг тили жозибали, самимияти теран.

Бу самимият риштонлик ёш шоира Ойдин Темирова (7-сон) шеърий туркумида, айниқса, равшан кўринади.

Қозоқ шоири Ўлжас Сулаймон ёдингиздадир. «Айланайин эна ер» деб юракларимизни титратган шуда... «Исмат оқиннинг сўнгги сўзи»ни Ўлжас қандай айтган экан, 7-китобчада ана шу армонли, оғриқли, гўзал айтим билан танишасиз.

Леонардо да Винчи қатраларида унинг сувратларидагидек таъсирчан, бироқ ўжар юраги кўриниб туради. Бу қатралар ҳам журналда чоп этилган.

«Ҳамиша гўзал бўлинг», «Ой юзингизда доғ кўрмай», «Дастурхон зийнати» каби сарлавҳаларнинг ўзиёқ, Сизни «Саодат»ни излашга чорлайди.

Ойдин Ҳожиеванинг «Миллат чироғи», Шарифа Салимованинг «Қалб — ҳуррият майдони», Дилором Исмоиловнинг «Озодлик муаллимаси», Ҳикмат Собировнинг «Дилшод Барно иқтисод ўқиганми?» каби мақолалари, тарих, адабиёт, маънавият ўқитувчилари, қизиқувчилари учун яқин ёрдамчи бўлиши аниқ.

Биз йўлдамиз. Изимизда аждодлар ёди... Улар руҳи бизни умид билан кузатиб турибди, олдимизда фарзандларимиз, улар чопқиллаб боришаркан, Аёл, онадан муҳаббат, таянч кутади.

Биз — бугуннинг оналари бу йўлда ниҳоятда зийрак ва кучли, билимли бўлмоғимиз шарт. «Саодат»нинг барча китобчалари каби икки янги сони ҳам бу йўлда Сизга йўлдош бўлишига ишонамиз.

Қ. РАҲИМБОЕВА

ЮРТ ҚАЛЪАСИ ЮРАКДУР

(Боши 3-бетда)

«Тошкентнинг тақдири Бухорода ҳам, Қўқонда ҳам ҳукмдорларни ташвишга солмади» (170-бет).

«Худоёрхон ўзил-кесил ўзини ҳам, бутун хонликни бутунлай босқинчилар оёғи остига ташлади» (336-бет).

Шу тақлид Туркистон хонлари, тўралари, амалдорлари юртга шиддат билан бостириб келаётган ёвни қайтариш ўрнига бир-бирлари билан тахт, мансаб талашдилар. Ҳар бириси бесаранжомликдан фойдаланиб, ўзига тегишли одамни юқорироққа силжитишга уринди. Хазинасини тўлдириб қолишга ҳаракат қилди. Ҳар қарич ер учун жон олиб, жон бериб урушиб ётган Ватан ҳимоячиларининг ёрдам сўраб қилган ўтинчлари шамолларда титилиб кетди.

«...У, – деб таърифлайди Аҳмад Дониш (Амир Музаффарни назарда тутаётир) – чодир ичида шахмат ўйнарди. Унинг ҳузурида бир гуруҳ кишилар, мусиқачилар ашула айтардилар. Шунингдек, бесоқол болалар ҳам бор эди. Амир эса, шахмат ўйнаб туриб бармоқларини мусиқа оҳангига соларди» (228-бет). Ҳолбуки, бу маишат кўнгилга сиғадиган пайт эмасди. Истилочилар шундоққина амирнинг бурнининг тагида унинг фуқароларини қириб, мурдаларни босиб, янчиб жанг қилаётган эди.

Бу тарздаги воқеаларни оддий китобхон бўлиб ўқиш мушкул. Боя айтилгандек, ҳодисаларга беихтиёр аралашиб кетасан. Амирнинг чодирига кириб, шахмат тахтасини бошингдан баланд кўтариб, ерга иргитгинг келади. Бармоғини қарсиллатиб ўтирган амирнинг ёқасидан ушлаб, силкитгинг: «Сен нега ўзингни бошига кўтарган улусга хиёнат қилаяпсан? Белингда белбоғинг бўлса, отга минмайсанми? Босқинчига юртни бериб тирик қолгандан кўра, курашиб, бурда-бурда бўлиб шу тупроқда сочилиб кетмоқ шаън эмасми?» – дея ҳайқиргинг келади.

«Душман босиб келди, ёрдам беринг», дея биродарларига элчи жўнатиб, икки кўзи йўлда саваш қилаётган озодлик курашчиларига «Чида, жоним оғам, яна озгина бардош бер, катта халқмиз-ку, биров бўлмаса, биров; тўра бўлмаса, бундайроғи мададга келар!» дея таскин, умид бергинг келади.

Тошкент учун бўлган жангларда бир хуржун қумуш танга кўтариб, «ким урушни давом эттирса, бир ҳовучдан танга бераман» деб юрган яккабозорлик Қосимбой (176-бет) каби юртдошларингнинг елкасидан олиб, тавоф қилгинг «Озодлик йўлида сочган бир тангангиз ўзингизга минг бўлиб қайтсин», дегинг келади... Рўмолчангни тилкалаб ярадорларнинг жароҳатига боғлагинг келади. Ва ана шу баланд-паст ҳиссиётларинг аро Амир Темур шон-шуҳратга буркаб кетган, дунёга улуғ саркарда, алломалар бериб, жаҳон кўз ўнгида ярқираб, яшаб келган шу азиз Туркистонимизнинг нима сабабдан бой берилганлигини яна бир карра англаб етасан.

Ноаҳиллик, ноиттифоқлик, қўрқоқлик деган бир-биридан мараз, бири-биридан ҳунук сўзлар нигоҳингдан саф тортиб ўтади.

Истилочиларнинг ўз мақсадлари учун ниҳоятда катта куч ташлаганлиги, ўта шафқатсизлиги, болалар, кексалар, ҳомиладор аёлларни тиккасига найзага тортиб, одамларни бемисол қўрқувга солгани, ҳийлакорлиги, юртдошларимизнинг эса маълум даражада ҳарбий қуролларининг ибтидоийлиги, ишонувчанлиги ...Муҳтарам тарихчимиз ота-боболаримизнинг мағлубиятга учраш сабабларини аниқ ва равшан очади.

XIX аср охири ва XX аср бошидаги озодлик қўзғолонлари ҳақида ҳам мазкур китобдан етарлича маълумотлар олиш мумкин.

...Ҳамид Зиёев 500 бетдан камроқ бу тарихни битиш учун юзлаб китоблар ўқиган. Истилони ўз кўзи билан кўрган, иштирок этган ўз тарихчиларимиз асарлари, қарши тарафдагилар битган хотиралар, четдан воқеаларни кузатган хорижликлар эсдаликлари, ўша даврнинг ахборотномалари, хатлар, ёзишмалар... келтирган.

Шунча машаққатли заҳматдан мурод нима?

Албатта, ўтмиш учун гина, араз, яна ҳеч қачон, ҳеч ким, ҳеч нарсадан қаттиқроқ айтсак, ўч, қасос эмас.

Одамлар юрагида кин, адоват ўтини ёқиш ҳам эмас. Чунки шунча қон кечган, қон кўрган, шунча ноёб бойликларидан ажралган, 150 йил оёқ-қўли, тили кишанда яшаган миллат олими бундай майда-чуйда ниятлар билан тарих ёзмайди.

Рост, афсуслари, армонлари бор...

«...Агар даҳшатли ўтмиш даврида халқимиз қирилмаганда, ҳозирда Ўзбекистон камида 100 миллион халққа эга бўлган қудратли давлат сифатида гавдаланиб турган бўлар эди» (436-бет).

Аммо асосий хулоса бу эмас. Асосий хулоса, бизга 150 йилдан сўнг қайтиб келган Озодликни кўз қорачиғидай асраш! Унинг ҳар лаҳзасини мулкимиздаги энг ноёб бойликдай қадрлаш, мустаҳкамлаш учун фидойи бўлиш, жонқуяр бўлиш. Ўз эркига ўзи посбон бўлиш, ҳушёр, огоҳ яшаш. Ахир, биз бир неча бор эркимиздан жудо бўлганмиз. Шаънимизга қул деган шармандали тамға босилган! Бас, энди бас! Энди кўзимизни очиб яшашамиз шарт»!

...Ёзмишларим бошидан мен билан сатрма-сатр келаётган азиз дўстим, ёшинг нечада, билмайман, муҳтарам тарихчимизнинг «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш» китобини ўқиган бўлсанг синглинг, фарзандинг, дустинг, яқинингга ташвиқот қил, ўқимаган бўлсанг, ўзингдан бошла! Албатта, сен бу асарни тунда, иш ё ўқишдан ортган вақтда мутолаа қиласан. Бир ўтиришда 10 варақдан ортиқ ўқий олмайсан, юрагинг чидамайди. Ўз-ўзидан кўз ёшларинг қуюлиб келади, юрагинг сиқилади. Ишда, эрта, индин... Ҳар сафар китобнинг ўзинг етган саҳифасини белгилаб бўлгач, кўчага чиқ... Яқин-атрофингда Ватанимиз байроғи ҳилпираб тургандир. Узоқ термул, кўксингдаги оғриқ ғижимлари ёзилгунча, термул. Ё оҳанграбо тасмаларини юргизгин-да, мадҳиямизни эшит... Ҳеч йўқ, ёнингда ўзбекча чуғурлаётган ғўдагингни бағрингга бос. Шунда асарнинг давомини ўқишга куч келади, йўқса, қийин, йўқса, оғир... Ва шу тарзда китобнинг охиригача етасан. «Бу сўнги! Бу охири!» деб бир неча бор такрорла, қасам ичгандай, онт ичгандай...

ҚУТЛИБЕКА

КЎНГИЛ МУСАВВИРИ



Буюк рус ёзувчиси ва файласуфи Ф. Достоевский «гўзаллик дунёни қутқаради» деган фикрда, нафақат ташқи гўзалликни, балким гўзалликнинг инсон онгига маънавий таъсири ҳақида ўйлаган. Маънавий гўзаллик олий мақомлик касб этади.

Тасвирий санъатдаги шоҳ асарлар инсон қалбини, барча иллатлардан холи бўлишга ундайди. Кўнгил таҳликаларини, шубҳа-ю гумонларини, хотиржамлик, гўзалликка ошуфталик билан янгилайди.

Бетакрор муйқалам соҳиби Акмал Нур асарлари томошабин руҳига таъсир кўрсата олувчи туганмас маънавий хазинадир.

Тасаввур қилинг, мусаввир яратаётган асарлардаги тиниқ фикр, шуурингизга беғубор хаёллар, оппоқ дунёлар, оққа бурканган борлиқ узра таралаётган соф муҳаббат куйи бўлиб оқиб киради.

Акмал Нур 1959 йил Наманган шаҳрида туғилган. 1978 йил Беньков номидаги рассомлик билим юртини, 1984 йил М. Уйғур номидаги санъат институтини, 1989 йил собиқ Иттифоқ рассомлар академиясининг Тошкентдаги ижодхонасида таҳсил олган.

1997 йил Акмал Нур Ўзбекистон бадиий Академиясининг энг ёш ҳақиқий аъзоси — академиги даражасини олишга муяссар бўлди.

Мусаввир ўз услуби ва фикрни бетакрор пластик ечимда ифодалаши, янгича тасаввур олами билан миллий тасвирий санъатимизда ўзига хос ўринга эга бўлди.

Акмал Нур тафаккури шарқона донишмандликни, руҳий сокинликни, фикрни вазмин мулоҳазали ифодалашни хуш кўради.

Мусаввир услубида тасвирий санъатнинг йўналишлари ва оқимлари уйғун ҳолда учрайди. Бу рассомнинг серқамровлигидан, маҳоратидан нишона.

Акмал Нур асарлари динамикасида инсон руҳи эврилишлари, руҳнинг такомиллашув босқичлари, таназзули акс этган.

Мусаввир ижодининг асосий мавзуси — Ишқ. Бу мавзу азалий ва абадийдир. Рассом бу ҳолатни табиийликка омухта ҳолда ифодалаб, тугал, жозибали маъноларни матога муҳрлайди. «Фақат табиий нарсаларгина гўзалдир». Вольтер нақадар ҳақ. Табиийлик сирлиликни юзага келтиради.

Мусаввирнинг «Севги олмаси», «Муҳаббат боғи», «Севги дарёси», «Муҳаббат ороли», «Асал ойи», «Анор» асарларида ишқ мавзуси ўзининг янги, теран аксини топган.

Акмал Нур ой, ҳукиз шоҳи, балиқ, олма, қайиқ рамзларини мажозий маънода, фикр ифодалаш учун фойдаланган. Айниқса, олма рамзи асар сюжетини очувчи муҳим унсур сифатида ишлатилган.

Ҳар қандай ижод намунаси ижодкор тўғрисида гувоҳлик беради, деган фикрга асосланса, мусаввир ишқда буюк маърифат-муҳаббат нозик, бу ишқ томошасидан кўнгиллар нозик.

Сирлилик муҳаббатга хос. Унда ҳаммага ҳам ошкор қилинавермайдиган, фақат кўнгил мулкига айлангувчи мубҳам сирлар силсиласи мавжуд. Ошиқ кўнгиллар сирини парда каби қанотлари билан тусиб турган жаннат қуши — товус ҳам шу фикрга ишора.

Акмал Нурни ни кўради ва унга интилади. «Севги олмаси» асарида бир қарашда хаёлий, лекин шу қадар кўнгилга яқин самимий ҳолат акс этган. Муҳаббатнинг икки юракда ҳамоҳанглик касб этиши ўта нозиклик билан юқори фалсафий мушоҳада туфайли табиийликка бурканган ҳолда матога кўчирилган, ошиқ ва маъшуқанинг олма мевасида акс этиши, фикрни ифодалаш учун мусаввир томонидан топилган гўзал ва бетакрор ечимдир.

Севишганлар бир олманинг икки палласи бўлиб, бир бутунликни юзага келтирган. Гўзал туйғуни, бу қадар нозик ва чиройли ифодаси бошқа учрамаса керак.

«Севги боғи» асарида нигоҳлар нозик, қалбда мавжланаётган муҳаббат нозик, бу ишқ томошасидан кўнгиллар нозик.

Бу асарда ҳам олма рамзи, асар сюжетини мукаммаллаштириш учун хизмат қилган.

«Муҳаббат дарёси» асарида Мажнун ўзининг ишқидай покиза, шаффоф дарёда сузиб бормоқда. У буюк ишқ оламига сайрга чиққан. Балиқлар қайиқни елкаларида олиб оҳиста сузишмоқда.

Инсон айнан ишқ туфайлигина ноёб ва покиза кўнгил ҳолатларини туяди. Мажнун ишқ гадоси. У ошиқларнинг сардори. Муҳаббат бир дақиқагина бўлса ҳам, ҳар бир ошиққа мажнунлик ҳолатини инъом этади. Бу Оллоҳнинг бандасига берган илоҳий неъматидир.

«Севги ороли» Акмал Нурнинг ишқ мавзусини ифодаловчи шоҳ асаридир. Мусаввир ишқ ҳақидаги фикрларини бу асарида энг юқори чўққига олиб чиққан.

Ишқ шундай қудратга эгаки, у ошиқ кўнглини олам каби бепоён этади. Ёки бутун оламни ошиқ кўнгли учун орол айлайди. Бу орол балиқ шаклида ифодаланган. Зеро, балиқ ҳалоллик, покизалик рамзидир. Муҳаббатнинг қувончидан қўра изтироби, дарди мўл. Зеро, ана шу изтироблар орқасидан руҳ мукаммаллашади, кўнгил комилликка эришади. Асарда Ишқнинг барча синовларига дош бера олган севишганлар бахтдан масрур, интиқ кўнгиллар висолдан шод, энг муҳими икки ярим қалб бир бутунликни, ишқ туфайли мукаммалликни туймоқда.

Акмал Нурни бежиз кўнгил мусаввири деб, атамадик. Мусаввир томошабин кўнглига нур олиб кира олади. Буюк ишқ васфи дилингизни тўлқинлантиради. Тасвирий асарнинг ўйноқи рангларидан нигоҳингиз яйрайди. Асарнинг бутун эстетик, техник мукаммаллиги, мусаввирнинг илоҳий қобилияти фикрингизни ўзига оҳанграбодай тортади. Асар оламида яшай бошлайсиз. Ҳақиқий санъат асаридан нигоҳингизни узишингиз қийин бўлади.

Акмал Нур асарлари томошасидан сўнг, тафаккурингиз мусаввир яратган ранглардек тиниқлашади. Кўнглингиз гўзаллик билан учрашувдан олган ҳаёжонлардан тўлқинланиб, оламга янги, тоза нигоҳ билан боқа бошлайсиз.

Бу санъат асарлари кўнгилнинг гўзал мулкига айланиши шубҳасиз.

Дилфуза КАМОЛ

Афсона ва ҳақиқат

СЕҲРЛИ МЕҲРИГИЁҲ

(Боши 1-бетда)

Табобат илмининг бобокалонлари Ибн Сино ва Беруниийлар ўз асарларида меҳригиёҳни «Ябриҳус санам» деб атаганлар. Улардан бир асрча муқаддам ўтган ар-Розий («Касалликлар тарихи». Тошкент 1994 й. бўлса ўсимлик тўғрисида ҳеч нарса демаган. Бобур замонига келсак, у ҳам ўсимликни юқорида айтилгандек номлаган. Шу ўринда Бобурнинг табиби Юсуфий ҳам ўзининг табобатга доир асари («Бобурнинг хос табиби Юсуфий табобати», Тошкент, 1992 й.) да ҳам на ўсимлик номини ва на ундан фойдаланиш ҳақида бирор калима айтмаган, ваҳоланки, у китобида 100 дан ортиқ доривор гиёҳлар ҳақида маълумот берган.

Ботаникага оид илмий манбаларда ёзилишича, ўтган аср охирларида ер юзида меҳригиёҳнинг уч тури маълум бўлган. Ҳозирги пайтда эса уларнинг сони 6 тага етган бўлиб, аксарият Андалусия, Италия, Юнонистон ҳамда Ҳимолой тоғлари ва Тибетда ўсиши маълум.

Ўрта Осиёда яқин-яқинларгача меҳригиёҳ топилмаганлиги сабаб у номаълум бўлиб келган. Лекин бу ўсимлик бизнинг ҳудудда умуман бўлмаган, деган даъво эмас, чунки Буюк Ипак йўли ўтган заминга кўпгина доривор ўсимликлар қатори меҳригиёҳ ҳам четдан олиб турилгани эҳтимолдан ҳоли эмас. Муаммо фақат ўсимлик номи билан боғлиқ. Ботаник олим М. Набиевнинг «Ботаника атлас-луғати» («Фан, Тошкент, 1969 й.) номли китобида меҳригиёҳ номи билан илдизи йирик бир қатор ўсимликлар, жумладан, сиртдан (илмий номи бриония), коврак (ферула), ҳатто шашир (илмий номи прангўс)лар ҳам атаб келинмоқда. Шу боис илдизи одам шаклини эслатувчи бундай ўсимликлар айрим доривор ўсимлик ишқибозлари ва сохта табибларга ҳозир жуда қўл келмоқда ва бозорларда сотилмоқда.

Ўрта Осиёда меҳригиёҳ илк бор 1938 йили Туркманистоннинг Копетдоғ тоғининг ғарбий сарҳадларидан ботаник олима О. Мизгирёва томонидан топилган ва шу муаллиф атаган «Туркман меҳригиёҳи» номи билан илмий адабиётларга кирган. Барглари лавлаги япроғини эслатувчи, илдизи одам қиёфасига ўхшаш, меваси эса ўзимиз билган помидори мевасига яқин (ўсимлик систематик жиҳатдан ҳам унга яқин) бўлган, мазаси пишиб етилган қовунни эслатадиган бу кўп йиллик ўсимлик қадимда туркман кексаларига маълум бўлган, ҳамда туркманча «Сел-мелек» («емиш ўт» маъносида) номи билан аталган. Сеҳрли ва сирли кучга эга деб ҳисобланган бу ўсимлик жуда кам доирадаги одамларга маълум бўлганлиги сабаб, у ўсадиган жой ҳам узоқ вақт сир сақланган. Камёб бўлган меҳригиёҳ ўша пайтда О. Мизгирёва ҳисобича, 600 дона атрофида бўлган, холос. (Шахсан мен 1970 йилларда ўша жойларда бу ўсимликни учратмадим). Туркманистон тоғларида меҳригиёҳ уруғдан кўкарган, лекин уруғи аксарият қушларга дон («ем») бўлиши ҳамда илдизи кавлаб олинганлиги боис кейинчалик камайиб кетган. Шу сабаб у «Туркманистон қизил китоби»га киритилган. Табиати илиқ бўлганлиги сабаб меҳригиёҳ Копетдоғда куз ва қиш ойлари кўкариб меваси май ойларида пишган, ёз бўйи эса барглари қуврав, кузгача «уйқу»да бўлган. Унинг пишган меваси сарғиш рангли сервитамин, органик кислоталарга бой. Маълумотларга қараганда, пишган мевасини 10-15 кун мобайнида ҳар куни 5-6 донадан истеъмол қилган бемор ширинча (золотуха) хасталигидан шифо топиб, ҳар хил яра-чақалар ва жароҳатлардан фориғ бўларкан. Аммо пишмаган, хом меваси заҳарли бўлиб, уни еган одам алаҳсираш (галлюцинация) дардига мубтало бўлган, юзи, оёқ-қўли шишиб нафаси тиқилган, тана ҳарорати кўтарилиб (39°) ҳаракат ҳолати ҳам бузилган. Шу боис бўлса керак, қадим Юнонистонда унинг мевасини «Иблис олмаси» деб аташганлар. Бунинг сабаби ҳам кейинчалик, ўсимликнинг кимёвий таркиби ўрганилгандан сўнг маълум бўлган. Ўтган аср охирларига келиб меҳригиёҳнинг Ўртаер денгизи бўйида ўсадиган айрим турлари таркибидан ҳозирги кунда кўз қорачиғини кенгайтиришда ишлатиладиган скополамин деган алкалоидга хос хусусиятли модда мандрогарин ажратиб олинган. Шу моддалар борлиги туфайли ҳам меҳригиёҳ турлари илдизидан тайёрланган шароб ва малҳамлар ўрта асрларда ҳам жодугарлар қўлида «Ҳийла, найранг» ва «сеҳргарлик» қуроли бўлиб келган. Айрим танноз хонимлар бўлса кўзига суртишиб, гавҳарини катталаштирганлар. Мозийга қайтадиган бўлсак, аллома Ибн Сино «Ал-қонун» қитобининг II жилдида («Ябруҳ-Меҳригиё» боби) ўсимлик ҳақида маълумот берар экан, унинг моҳияти, табиати, хоссалари, инсон аъзолари — бўғинлар, бош, кўз, озиқлантириш ва бошқа аъзоларга таъсири ҳақида ёзади: «Ҳақиқатда бор бўлган ябруҳ қорамтир бўлиб, уваланишга мойил ва қуст (ўсимлик-муаллиф) каби йиринкдир... Табиблардан уни варафия деб атовчилар ҳам бўлган, яъни уни илдизи муҳаббат ҳиссини қўзғатувчидир». Ибн Сино меҳригиёҳ 2 хил бўлишлиги ҳақида «Биринчиси ургочиси деб танилган бўлса, ранги бироз қорага мойилдир. Унга ривқус яъни, коҳу (ўсимлик-муаллиф) меҳригиёҳ дейдилар, чунки унинг япроғи коҳу япроғи билан ҳамшаклдир... Иккинчи хили — меҳригиёҳнинг эркак хилидир. Бу оқ, силлиқ, йирик ва энли бўлади. Япроғи лавлаги япроғига ўхшашдир...» Меҳригиёҳнинг табиати ҳақида «учинчи даражада совуқ ва шу даражада қуруқ, илдизининг совуқлиги кучли ва қуритувчи» эканлиги, таъсир даражаси эса «... мабодо бирон аъзони кесиш лозим бўлса, меҳригиёҳни ширасидан уч оболосини (ўлчов, 0,708 гр, — муаллиф) шаробга солиб ичирилса, уни ухлатади» ва ҳатто «илдизини фил суяги билан олти соат қайнатилса, юмшаган суякни турли шаклга келтиради» деб ёзади. Хуллас, меҳригиёҳ япроғи билан ишқаланса теридаги холнинг кетиши, сепкилни кўчириши, қаттиқ шишлар, чипқонлар ва қулғунага кони фойда эканлиги, кўз оғриқларни қолдириши, ўт суюқлиги ва балғамни кўчириши, туғишни осонлаштириши, мевасини хомлай еб қўйиш заҳарланишга олиб келиши, заҳарланган тақдирда эса унинг «Иложи — сариёғ, асал ва қустиришдир» деб ёзади улуғ ҳаким, мақоланинг сўнггида.



Беруний ҳам «Сайдана» китобида меҳригиёҳни «луффах» ва «йабруҳ», мевасини эса «туффаҳ ал-жинн» ва «сабизаж» деб аталиши, баъзи халқлар жумладан, араблар «луффах», шомликлар эса «йабруҳа», форс тилида «сабиза», синдча «сибизава» дейилиши, унинг хом меваси мингдевона ўсимлиги уруғи каби заҳарли эканлиги учун, юнонлар «иблис олмаси» деб аташи ҳақида маълумот беради. Диоскорид (I-II ас юнон олими) маълумотига асосланиб у ҳам меҳригиёҳни эркак ва ургочи хилларига ажратади; ургочиси қора, барглари майда бўлиб ер бағирлаб ўсиши, ҳиди бадбўй эканлиги, меваси эса олма каби хушбўй, илдизи йирик, икки ёки уч шохланганлиги, эркаги оқ рангда бўлиб, барги йирик ва юмшоқ, меваси йирик, аммо ёқимсиз бўлиб, мевасини тановул қилган чўпонлар узоқ муддат уйқуга чўмиши ҳақида ёзади. Шунинг билан бирга меҳригиёҳ форс тилида «йамрў» деб аталиб, илдизи тенг иккига бўлинса, «эркак» ва «аёл» қиёфасига эга бўлиши, «йам» ибораси ҳар хил жуфт нарсаларни англатиши, «рў» эса «юз», «қиёфа»ни билдиришини айтади.

Шу хусусда шоир ва саркарда шоҳ Бобурнинг «Бобурнома» китобида меҳригиёҳ тўғрисида берган маълумоти ҳам ажабланарли: «Баъзи китобларда битибдурларким «ябруҳус-санам» бу тоғларда, вале бу муддат эшитилмади. Бир гиёҳ эшитилдиким, Еттикентнинг тоғларида бўлур, ул эл «айиқ ўти» дерлар, меҳригиёҳ хосиятлик, голибо меҳригиёҳдур, ул эл бу от била айтурлар». Демак, Бобур таъкидлашича, бундан 5 аср муқаддам бу гаройиб ўсимлик маълум бўлган бўлса-да, Бобур ўтган тоғларда учрамаганлигидан далолатдир. Мобадо меҳригиёҳ ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ҳатто ўша пайтларда ўсган тақдирда ҳам табиати ва иқлими жиҳатдан Копетдоғ тоғи иқлимига монанд бўлган ҳозирги Сурхон воҳасининг Боботоғ ёки Қўҳитанг тоғларида учраши мумкин эди, аммо ҳануз топилмади.

Хуллас, кўҳна Турон заминида ягона тур ҳисобланган «Туркман меҳригиёҳи» фақат Туркманистон тоғларида ўсиши билан бирга у Копетдоғ бағрида жойлашган Қорақалъадаги субтропик биостанциянинг тажриба даласида экиб ўстирилиб, яхши ҳосил ҳам олинган. Меҳригиёҳни биринчи бўлиб топган О. Мизгирёва эътирофича, табиий шароитда бу ўсимлик 10-15 йил кўкариб туриши, баъзан ундан ҳам кўпроқ, ҳатто 40-50 йиллик илдизларни учратганлигини таъкидлайди,

Аждодларимизга қарийб 1000 йил аввал маълум бўлган ва ҳамон табобат аҳли ва доривор гиёҳлар ишқибозларини лол қолдириб келаётган хосиятли меҳригиёҳ ҳақидаги айрим маълумотлар ҳозирча шулардан иборат.

Каримжон ТОЙЖОНОВ,
профессор

«КИМЎЗАР»ДА КИМ ЎЗАР?!

Ёшлар маънавияти ва тўй маросимлари

Асрлар оша сақланиб келаётган миллий маросимларимиздан бири никоҳ тўйларидир.

Президентимизнинг бундай маросимларни тартибга солишга доир фармони чиққанига бир йилдан ошмоқда. Лекин айрим кишиларнинг эл-юрт-одатларини менсимасдан, ўзини кўз-кўз қилишга, шуҳратпарастликка берилиб, ортиқча дабдабабозлик ва исрофгарчиликка йўл қўяётганликлари ҳамон кўзга ташланмоқда.

Ҳали ҳам «ЗАГС»ларга қатор-қатор машиналарда бориш одамларнинг ғашига, нафсониятига тегаётгани бор гап. Баъзан тўй-ҳашам бошида турганлар ортиқча олдибердиларни кўпайтириб юборадилар. баъзан «кимўзар»га тўй қиладилар. Бу «ҳотамтойлик», дабдабабозлик ночорроқ оилаларнинг «тўйбола»ларига ўксиниш олиб келади, ота-онасини қарз-ҳаволага қистайди.

Кўпчилигимиз тўйларда исрофгарчилик қилинмаса, барча расм-русумлар оила имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бўлса, деймизу сўзимизга амал қилмаймиз. Халқимизнинг азалий анъаналари, табаррук урф-одатлари билан боғлиқ муқаддас қадриятларимизга нисбатан ҳурматсизлик, уни шахсий манфаат ва ўз-ўзини кўз-кўз қилиш маросимига айлантириб юбориш кишиларнинг норозилиги ва эътирозига сабаб бўлмоқда.

Бундай ҳолатлар баъзида ижтимоий-маънавий муҳит ва адолат мезонининг бузилишига ҳам олиб келади. Ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Эрта-индин ёшлар ҳам биздан кўрганини қилади-да. Ҳолбуки, дини исломда ҳам молдунёни бекорга сарф қилиш гуноҳи азим саналади.

Бугунги кунда биз диёнат ва адолатга асосланган янги демократик жамият қураётган эканмиз, ҳамма нарсамиз — ташқи қиёфамиз ҳам, маънавий дунёмиз ҳам, расм-русумларимиз ҳам гўзал ва меъёр даражасида бўлмоғи керак.

Тўйларимиз соф миллий маъно ва мазмунга эга бўлиши учун фикри катталар никидек уйғоқ ёшлар ҳам ташаббускор бўлишлари лозим.

Шу ўринда айрим мулоҳазаларимни билдирмоқчиман:

1. Иложи борича исрофгарчиликни, ким ўзарга тўй қилишларни маънавий назорат қилиш;

2. Созанда ва хонандаларнинг ортиқча шовқин-суронли техника воситаларидан фойдаланишини тартибга солиш. Айниқса, маънавий бузилишларга йўл очувчи пул қистириш, раққоса ва хонандалар устидан пул сочиш энг хунук иллат эканлигини ёшларга тушунтириб бориш.

3. Келин-куёв, қайнота-қайноналарни даврада рақс тушишга мажбурлаш на миллийликка, на замонавийликка дахлдор. Бу пул топиш воситаси, холос. Бундай удумлар қадимда мутлақо бўлмаган.

4. Келин томоннинг оила шароитидан келиб чиқмай (айрим ҳолларда қарз олиб) қимматбаҳо мебеллар, импорт уст-бошлар харид қилиши янги оила — рўзғорга сезиларли иқтисодий таъсир кўрсатади.

5. Келин-куёвларнинг миллий никоҳ либослари ҳақида ҳам ўйласак, айни муддао бўларди.

6. Бизнингча, тўйларда спиртли ичимликларни ўртага қўймаслик лозим.

Саодат ЙЎЛДОШЕВА,
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти доценти

КУТИЛМАГАН МАСЛАҲАТЛАР

Ҳокимият кучлироқ бўлиши учун уни чеклаш керак.

Людвиг БЕРНЕ

* * *

Болаларингиз билан сиёсат тўғрисида гаплашманг — улар бу борада Сиздан кўпроқ билмайдилар.

Фран ЛЕБОВИЦ

* * *

Сиёсат шунчалар жиддий нарсаки, уни сиёсатчиларга ишониб топшириб бўлмайди.

Шарл де ГОЛЛ

* * *

Сиёсат билан шуғулланиш — бурун қоқиш ёки қаллиғингга хат ёзиш билан баробар.

Қўлингдан келмаса ҳам барибир ўз қўлинг билан бажаришинг керак.

Гилберт ЧЕСТЕРОН

* * *

Агар сиз сиёсат билан шуғулланмасангиз, сиёсат сиз билан шуғулланади.

Шарл МОНТАЛАМБЕР

* * *

Катта сиёсатга эртами-кечми дуч келасиз. Ишқилиб, у ички кўйлакда ўтирганингизда бостириб келиб қолмасин-да.

Богдан ЧЕШКО

* * *

Сиёсатчининг қўлини бўш қўйсанг, дарҳол уни ўз чўнтагингда кўрасан.

Номаълум донишманд

* * *

Арзон сиёсатчилар айниқса қимматга тушадилар.

Номаълум файласуф

* * *

Арзон сиёсатчи йўқ.

Лорен ПИТЕР

* * *

Сизга нима ҳақда гапирилаётганининг аҳамияти йўқ — барибир сизга бор ҳақиқатни айтишмайди. Нима дейишяпти, аҳамияти йўқ, гап ҳамиша пул устида боради.

ТОДД
«МТ» таржимаси

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 037.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Лилия БИНАШЕВА.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.10

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Холли НОРБОЕВ